



XASR


IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqq boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI - O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI HAFTALIK NASHRI

2016-YIL 18-AVGUST, PAYSHANBA, 33 (665)-SON

e-mail: xxi_asr@mail.uz, web sayt: www.21asr.uz



Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 17 август куни Оқсаройда Корея Республикаси давлат бошқаруви ва ички ишлар вазири Хон Юн Сукни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни мамлакатимизга ташрифи билан қутлаб, Ўзбекистон Корея Республикаси билан стратегик шериклик муносабатларини юксак кадрлаштини ва бу муносабатларни янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратишини таъкидлади. Ислам Каримов ушбу ташриф ўзаро манфаатли ҳамкорликни, айниқса, давлат бошқарувини янада такомиллаштириш ва "Электрон ҳукумат"ни жорий этиш соҳасидаги алоқаларни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этишига ишонч билдириди.

Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэнинг 2014 йил июнь ойида Тошкентга ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам

Каримовнинг 2015 йил май ойида Сеулга давлат ташрифлари мамлакатларимиз ўртасидаги кенг кўламли ҳамкорликнинг ҳар томонлама, аввало, иқтисодий соҳада изчил ривожланишига янги суръат бағишлади. Ушбу ташрифлар якунига кўра юздан ортиқ ҳужжат, жумладан, савдо-иқтисодий, инвестициявий, технологик ва молиявий соҳаларда ҳамкорликка оид умумий қиймати 9,5 миллиард АҚШ долларидан зиёд бўлган битимлар имзоланган.

Жанубий Корея Ўзбекистоннинг асосий инвестициявий ва технологик ҳамкорларидан. Мамлакатимизнинг кўп йиллик ишончли шериклари — Жанубий Кореянинг "ЖиЭм-Корея", "Корейан Эйр", "КОГАЗ", "Лотте",

"ЖиЭс", "Поско-Дэу", "Самсунг", "Шингдонг", "Колон" каби ётачки компаниялари билан ҳамкорликда нефть-газ, электротехника, тўқимачилик соҳалари, қурилиш материаллари ва фармацевтика препаратлари ишлаб чиқариш борасида йirik инвестициявий лойиҳалар амалга оширилган ва бу ҳамкорлик изчил давом этмоқда.

Корея Республикасининг Ўзбекистон иқтисодиётига йўналтирган тўғридан-тўғри инвестициялари ҳажми 7 миллиард доллардан ошди. Мамлакатимизда Жанубий Корея инвестицияси иштирокида ташкил қилинган 440 корхона фаолият юритмоқда, 77 компанияси ваколатхоналари очилган.

Корея Республикаси Бош вазири Хван Гё Аннинг жорий йил май ойида Ўзбекистонга ташрифи чоғида Сурғил кони негизида Устюрт газ-кимё мажмуаси очилгани ва бу завод мамлакатларимиз ўрта-

сидаги инвестициявий ҳамкорликнинг амалдаги ифодаси бўлганини алоҳида таъкидлаш даркор.

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги ҳамкорлик доирасида Жанубий Кореянинг техник кўмағида Ўзбекистон Республикасида "Электрон ҳукумат" тизимини жорий этиш, ушбу соҳа мутахассисларини ўқитиш ва малакасини ошириш бўйича лойиҳа ҳаётига татбиқ этилди. «LG CNS» компанияси билан 2014 йил июнь ойида имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумга мувофиқ ташкил этилган «LG CNS Ўзбекистон» қўшма корхонаси "Электрон ҳукумат" тизими ҳамда мамлакатимиз иқтисодиётининг реал сектори учун ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш борасида фаолият юритмоқда.

Хон Юн Сук самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, Корея Республикаси Ўзбекистон Республикаси билан кенг кўламли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришга тайёр эканини таъкидлади.

ЎЗА

ИФТИХОР



XXI АСР қаҳрамонлари

десак арзийдиган спортчилар Ўзбекистон довруғини дунёга танитмоқда

Икки ҳафтаки, дунё аҳлининг деярли ярмидан кўпрогининг бутун диққат-эътибори Рио-де-Жанейрога қаратилган. Тасаввур қилинг, икки юздан ортиқ давлат халқи ана шу гўзал ва бетакорор шаҳардан қувончли хушхабар кутиб яшаётди. Бу дегани миллиардлаб шинавандалар нигоҳи Бразилияда бўлиб ўтаётган XXXI ёзги Олимпия ўйинларида. Улар орасида бизнинг юртдошларимиз ҳам бор ва энг қувончлиси, бу ўзига хос, тарихий спорт соҳасида узра шу кунгача икки марта Ватанимиз мадҳияси янграб, олти марта ой-юлдузли байроғимиз баланд кўтарилди. Муболагасиз айтаманки, ана шундай унутилмас лаҳзаларда жаннатмонанд юртимизни жону дилидан севган кўзларда севинч ёшлари қалқди. Энди ўйланг, бир замонлар ўша, океан орти Америка қитъасининг бир бурчағида жойлашган Рио-де-Жанейрода Андижоннинг Кулла деган қишлоғини қўяверинг, ҳатто Булоқбоши тумани борлигини ким биларди, ёки бугун Олимпиада чемпиони бўлган ўғиллари — истиқлол фарзанди Ҳасанбой Дўстматов ортидан ота-онаси Маъруфжон ака ва Дилнозхон опалар ҳам ўз номлари дунёга танилишини туш кўришганимиди?

Кунни кеча яна бир спортчимиз — Андижоннинг алп ўғли Руслан Нурудинов оғир атлетика бўйича вазири 105 килограмм-

гача бўлган атлетлар ўртасида шангани даст кўтаришда 194, силтаб кўтаришда 237, икки-кураш якунига кўра, 431 килограмм натижага эришиб, Олимпия ўйинлари чемпионлигини қўлга киритди. Энг эътиборлиси, шангани силтаб кўтаришда кўрсатган натижа билан у бундан 8 йил аввал беларуслик Андрей Арямнов томонидан Пекин Олимпиадасида ўрнатилган рекорд (236 килограмм) ни янгилаб, ўзига хос рекорд ўрнатди!

Томаш АЯН,
Халқаро оғир атлетика федерацияси президенти:

— Руслан Нурудиновнинг кўрсатган ушбу ажойиб натижаси, мен ўйламанки, Ўзбекистонда спорт қай даражада тараққий этиб, ривожланиб бораётганининг ёрқин исботи бўлди. Очиғи, "Рио — 2016"да ўзбекистонликлар муваффақиятли иштирок этаётгани таҳсинга лойиқ. Шаҳсан мен Ўзбекистонда бир неча марта бўлганман ва бу ўлкада олиб борилаётган хайрли ишлардан, шу жумладан, спорт соҳасида давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганига гувоҳ бўлганман. Бундай эътиборнинг самарасини спортчиларингиз исботлашяпти.

Тўғри, икки карра жаҳон чемпиони, Пекин ва Лондон

Олимпиадалари совриндори ва ниҳоят, Риодаги нуфузли беллашувда ҳам голиблик шоҳсупасига кўтарилган полвонимиз Ришод Собировнинг отаси Рашид ака ёки онаси Гулнора опалар бундан 25 йил аввал полвонлар сулоласи ҳисобланган бу оиладан яна ворислар чиқишига ишонгандир. Лекин бир оддий ҳақиқат аёнки, ўшанда ҳам унинг довруғи нари борса Бухородан узокроққа етмаслиги аниқ эди. Қаранг, мустақиллик шарофати туфайлигина Жондор туманидаги чекка қишлоқда туғилб ўсган Ришод ўз миллати, халқи номини жаҳонга танитди.

Мамлакатимиз олимпиадалари сафида биринчи бўлиб XXXI ёзги Олимпия ўйинларининг бронза медалига сазовор бўлган урганчилик Дийрбек Урозбоевнинг онаси Нургул Авазова ҳаяжонини шундай таърифлайди:

— Ҳамма оналар менга ўхшас керак. Айниқса, полвон йиғитларнинг оналарига жуда қийин. Ўзимдан қиёс-да, қачон Дийрбек гулламга чиқади, дейишса бўлди, ҳаяжон, титроқ босаверди. Ишонсангиз, рақибига ҳам раҳим келди. Ахир, унинг ҳам онаси менга ўхшаб телевизорда боласини кўзлари тула ёш билан кўриб тургандир, дейман.

Давоми 8-саҳифада >>

ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

Миллий парламентаризм тараққиёти

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишлаб "Миллий парламентаризмнинг шаклланиши ва ривожланиши" мавзусида парламент конференцияси бўлиб ўтди. Анжуманда Сенат аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари масъул ходимлари, илмий доира вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Тадбирда мустақиллик йилларида миллий парламентаризмнинг шаклланиши ва ривожланиши масалаларига оид маърузалар тингланди, истиқболдаги вазифалар юзасидан ўзаро фикр-мулоҳазалар алмашилди. Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов, О'зЛиДеР фракцияси раҳбари, О'зЛиДеР Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси С. Турдиев ва бошқалар истиқлолнинг ilk кунлариданоқ Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига жавоб берадиган, ўзимизга хос ва мос тараққиёт йўли белгилаб олинганини таъкидлашди.

Бу жараёнда инсон манфаатларига хизмат қиладиган қонун ижодкорлиги билан шуғулланадиган энг демократик миллий парламентаризм шакллантириш, давлат ҳокимияти органлари



тизимиде унинг роли ва таъсирини кучайтириш вазифаси белгиланди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида бир палатали парламент ёш мустақил давлатнинг демократик сиёсий тизими, адолатли фуқаролик жамияти, сиёсий, иجتимоий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларнинг ҳуқуқий негизини яратиш, давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий давлатчилик пойдеворини барпо этишга ўз хиссасини қўшди. Бу даврда Конституциямиз қабул қилинди, халқимизнинг хоҳиш-иродасини

эркин ифода этишини таъминловчи сайлов тизимига ҳуқуқий замин яратилди.

Дунёда "ўзбек модели" дея эътироф этилган ривожланиш стратегияси асосида давлат бошқаруви соҳасида амалга оширилган демократик ислохотлар 2000 йилларга келиб, мамлакатнинг қонун чиқарувчи олий органи фаолиятини замон талаблари асосида янада такомиллаштириш учун шарт-шароитлар яратди.

Давоми 2-саҳифада >>

О'зЛиДеР ТАШАББУСИ

Ёшлар учун яна бир синов

Бугун Навоий вилоятида "Гўзал ва бетакорримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" деган эзгу гоғни ўзида мужассам этган "Мустақилликка менинг ҳиссам" номи ёш тadbirkorлар ва фермерлар кўргазмаси ҳамда "Ишбилармон талаба — 2016" стипендияси кўрик-танловининг республика босқичи бошланди.

Давоми 4-саҳифада >>



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2016 йил 17 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бўғалатини юқсоби, статистика ва бошқа ҳисобларни қўриқлаш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун қорғиқ валюталарнинг сўғма нисбатини қўриқлаш қўриқлагани белгилади.
*) Валюта қўриқлагани белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажбурий валюталарни ушбу қўриқда сотиш ёки сотиб олиш мажбурийатини олмайди.

1 Австралия доллари	2278,58	1 АҚШ доллари	2979,31	1 Хитой юани	448,22	1 Польша злотийси	778,74	1 ЕВРО	3326,16
1 Англия фунт стерлинги	3851,06	1 Миср фунти	335,51	1 Россия рубли	46,31	1 СДР	4153,84	10 Жанубий Корея вон	27,07
1 Дания кронаси	446,92	1 Исландия кронаси	25,17	1 Украина гривнаси	119,96	1 Туркия лираси	1006,76	10 Япония иенаси	294,14
1 БАА дирхами	811,16	1 Канада доллари	2299,03	1 Малайзия ринггити	741,31	1 Швейцария франки	3055,08		

ЖАРАЁН

Аёлини қадрлаган эл

Гулнора
Тўраева,Олий Мажлис
Сенати аъзоси,
Жиззах вилояти ҳокимининг
ўринбосари, хотин-қизлар
қўмитаси раиси

Қадимдан шарқда, айниқса, ўзбек халқида аёлларга ўзгача ҳурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўлишган. Истиқлол йилларида бундай муносабат янада юксак даражага кўтарилиб, уларнинг жамиятдаги мавқеи ва ролини ошириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтиришга алоҳида эътибор берилляпти.

Айниқса, давлат ва жамиятни бошқаришда хотин-қизлар иштирокини кенгайтириш мақсадида миллий қонунчилигимизга киритилган ўзгаришларга мувофиқ, сиёсий партиялар томонидан ҳокимият вакиллик органларига сайловларда депутатликка номзодларни кўрсатишда хотин-қизлар учун 30 фоизлик квота белгиланди. Натижада ҳозирги пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлар корпусининг 22 фоизини хотин-қизлар ташкил этмоқда. Халқ депутатлари Жиззах вилояти ва шаҳар туман кенгашиларида 95 нафар депутат аёл ҳудудлардаги ижтимоий, иқтисодий масалаларни ҳал этиш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган ташаббусларнинг фаол иштирокчисига айланган. Масалан, вилоят иқтисодиёти ва халқ ҳўжалигининг барча соҳаларида меҳнат қилаётганларнинг қарийб 50 фоизини хотин-қизлар ташкил этади.

Аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш учун ажратилаётган кредитлар миқдори йил сайин ўсиб бораёпти. Масалан, 2015 йилда вилоятимизда бундай тадбиркорликка тижорат

банклари томонидан 44 миллиард 716 миллион сўм миқдорда кредит ажратилди. Бу 2014 йилга таққослаганда 10 миллиард 538 миллион сўм кўп демакдир. Жорий йилда ҳам айна мақсадлар учун 29 миллиард 992 миллион сўмдан зиёд кредит ажратиш кўзда тутилган.

Хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, оилавий бизнесни ташкил этишга кўмаклашиш мақсадида бепул маслаҳатхоналар йўлга қўйилгани, давра суҳбати, семинар-тренинглар ташкил этилаётгани айна мудоа бўлмоқда. Жумладан, вилоят хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган "Қалб нури" маркази ўз фаолиятини ижтимоий муҳофазага муҳтож аёллар ва уларнинг оилаларини ижтимоий, ҳуқуқий қўллаб-қувватлашга қаратган. Марказ ходимлари томонидан хотин-қизларга психологик, ҳуқуқий ёрдам кўрсатишдан ташқари, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, бизнес-режа тузиш, ҳужжат юритиш, солиқ имтиёзлари, кредит олиш тартиби ва бошқа масалаларда маслаҳат, тавсиялар берилмоқда.

Вилоятда таълим-тарбия, маданият, илм-фан соҳаларида меҳнат қилаётган ходимларнинг 75 фоизи, соғлиқни сақлаш тизимида 72 фоизини айна аёллар ташкил этаётгани, 245 нафар хотин-қиз фермер ҳўжаликлари бошқарётгани, аслида, мустақиллигимиз шарофати, Конституциямизда кафолатланган тенглик тамойилининг амалдаги рўйбидир.

Бугун "Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади" деган ҳаётбахш ғоя ҳар бир юртошимизнинг қалбига чуқур сингиб бормоқда. Ҳар бир вилоятда она ва бола перинатал ҳамда скрининг марказлари фаолият кўрсатмоқда. Репродуктив саломатлиқни муҳофаза қилиш мақсадида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳрмиладор аёлларни таркибда соғлиқ учун зарур микроэлементлар мавжуд бўлган махсус поливитаминлар билан таъминлаш орқали соғлом фарзандни дунёга келтиришга эътибор қаратилмоқда.

Масалан, вилоятимиз бўйича "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурини амалга оширишга 300 миллиард сўм маблағ йўналтирилиши режалаштирилгани, касб-ҳунар коллежларининг битирувчи қизлари бандлигини таъминлашга энг муҳим вазифа сифатида қаралаётгани, ҳуллас, буларнинг барчаси, аслида истиқлол мевасидир, десақ муболага бўлмайди.

Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади. Юртимизда эл соғлигини мустаҳкамлаш, айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, жисмонан соғлом ва маънави раҳбарлик тарбиялашга бўлган масъулият туфайли оналаримиз соғлом, болаларимиз эса жисмоний ва интеллектуал салоҳияти билан ҳеч кимдан кам эмаслиги ва ҳеч кимдан кам бўлмаслигини намойён этмоқда. Истиқлол берган улугъ неъматлардан бири ҳам аслида шу.

Миллий парламентаризм тараққиёти

44 Давом. Бошланғич 1-саҳифада

Президентимиз ташаббуси билан 2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми якунлари асосида мамлакатда икки палатали, мунтазам фаолият кўрсатадиган профессионал орган — Қонунчилик палатаси ҳамда ҳудудлар манфаатини ифода этадиган вакиллик органи — Сенатдан иборат парламентни шакллантириш учун ҳуқуқий замин яратилди.

Икки палатали парламент тизимига ўтилгани мамлакат парламенти ваколатлари ва назорат вазифаларининг ролини кучайтиришда ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

Конференцияда таъкидланганидек, давлатимиз раҳбари томонидан 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси палаталарнинг фаолиятини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этди. Шу асосда Конституциямизга киритилган тузатишлар Олий Мажлисининг, сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасидаги фракциялари ваколатларини янада кенгайтирди. Хусусан, Олий Мажлис ваколатларига Бош вазирнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда долзарб масалалари юзасидан ҳисоботини эшитиш ва муҳокама қилиш, парламент назоратини амалга ошириш киритилди. Муҳокама этилаётган ҳеч бир қонун лойиҳаси ёки Қонунчилик палатаси қарори лойиҳаси сиёсий партия фракцияларининг йиғилишларида дастлабки тарзда кўриб чиқилмасдан туриб, кун тартибига киритилмаёпти.

Йиғилишда, шунингдек, парламентда сиёсий партияларнинг роли ва аҳамияти хусусида гап кетар экан, "Давлат бошқаруви янгилаш ва янада демо-



кратлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги қонун аҳолининг ижтимоий, сиёсий фаоллигини кучайтиришда, чинакам кўп партиявийликни ривожлантиришда, демократик ислохотларни чуқурлаштиришда гоят муҳим роль ўйнагани айтиб ўтилди.

— Ушбу қонун парламентдаги сиёсий партиялар фракцияларининг ҳуқуқий мақомини аниқ белгилаб, фракциялараро соғлом тортишувни сезиларли даражада оширди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Раҳимжон Ҳакимов. — Қолаверса, парламентдаги кўпчилиқнинг ва муҳолифатнинг ҳуқуқлари қонунчилик йўли билан мустаҳкамлаб қўйилди. Айна пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида иккита партия фракцияси — Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси ва "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияларидан иборат "Демократик кучлар блоки" тузилган ва самарали фаолият

юртмоқда. Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳамда "Адолат" социал-демократик партияси фракциялари тимсолида парламент муҳолифати фаолият кўрсатмоқда.

Конференцияда сўз олган депутатлар фуқаролик жамиятини ривожлантиришда парламентнинг ўрни ва роли масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратишди. Жумладан, парламентимиз томонидан сўнгги йилларда қабул қилинган қонун ва қарорлар мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари ва давлат органлари ҳамкорлигини янада ривожлантиришда муҳим асос бўлаётгани, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимининг самарали ишлаётгани таъкидланди. Бунда "Ижтимоий шериклик тўғрисида", "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги қонунларнинг амалда самарали ижроси, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қув-

ватлаш жамоат фонднинг фаолият юритаётгани муҳим ўрин тутмоқда. Шунингдек, Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2015 йил 23 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузаси мамлакатимизда парламент фаолиятини мутлақо янгича услубда ташкил этиш, унинг ваколатларини самарали амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришда муҳим омил бўлганлиги қайд этилди. Маърузада белгилаб берилган устувор йўналишлар Қонунчилик палатасининг яқин ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган режаларига асос бўлди.

Экспертлар иштирокида ўтказилган конференция истиқболда парламентни янада ривожлантиришнинг муҳим масалаларини аниқлаш имконини берди.

Анжуман якунида парламент олдида турган устувор вазифаларни самарали амалга ошириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ақбар МУЗАФФАРОВ,
"XXI asr" мухбири25
ЙИЛ

Бунёдкорлик ўлкаси

Энг улугъ, энг азиз байрам — мустақиллигимизнинг йилгирма беш йиллик тантаналарига ҳам санокли кунлар қолди. Ана шундай шуқуҳли дамларда юртимизнинг ҳар бир гўшасида бунёдкорлик, ободонлик ишларини кўриб кўзимиз қувнайди.

Айниқса, қишлоқ жойларида қад ростлаётган замонавий уй-жойларни айтмайсизми. Илгари қишлоқ уйлари деганда кўз олдимизда асосан бир хил, яъни, гувала, паҳса, пишмаган ғишдан бетартиб қурилган 2-3 хонадан иборат уй гавдалариди. Энди ҳаммаси ўзгарди. Қишлоқ билан шаҳар ўртасида деярли фарқ қолмади. Одамларнинг яшаш шароити ҳам, онгу тафаккури ҳам ўсди.

Йилдан йилга мамлакатимизнинг барча ҳудудларида замонавий уйлар қурилиши кўлами кенгайиб, қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгармоқда. Айна пайтга келиб, жами турар жой фонди 1,9 марта ўсди, бир кишига нисбатан турар жой билан таъминланишнинг барқарор ўсиш даражаси 12,4 дан 15,4 кв. метрга етди. Бу борада қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида яқка тартибдаги уй-жойлар қурилиши бўйича мақсадли давлат дастурларининг амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этмоқда.

Соҳибжон
Исмоилов,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатаси депутати,
О'зЛиДеР фракцияси
аъзоси

Қайд этиш жоизки, 2009-2015 йилларда мазкур дастурлар асосида 56 минг 500 та барча қулайликларга эга бўлган замонавий ва шинам уй-жойлар қурилди. Асосийси, янги уй-жойлар қурилган ҳудудларда болалар боғчаси, мактаб, коллеж, озиқ-овқат ва ҳўжалик моллари дўконлари, дорихона, маиший хизмат кўрсатиш объектилари, умуман олганда, одамлар учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар яратилган.

Бундай турар жойларни харид қилиш учун имтиёзли ипотека кредитлари ажратилаётгани ҳам фуқароларга ҳар томонлама қўлайлик туғдирмоқда. Ипотека кредитлари 15 йилга мўлжалланган бўлиб, асосий қарзнинг қайтарилиши бўйича 3 йиллик имтиёзли давр белгиланган. Кредитлар йилига 7 фоизни ташкил этади. Шунингдек, жисмоний шахсларнинг иш ҳақи ва бошқа даромадларининг имтиёзли кредит маблағлари ва уларнинг фоизларини қоплаш учун йўналтирилган қисим даромад солиғи тўланишидан озод қилинади ҳамда ер участкаси умрбод мерос қилиб қолдириладиган мулк сифатида расмийлаштирилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Президентимиз томонидан илгари сурилган қишлоқ қиёфасини тубдан ўзгариштириш ғояси халқроқ экспертлар томонидан ҳам юқори баҳоланмоқда. Улар юртимизга келиб, намунавий лойиҳа асосида қуриладиган қишлоқ уйлари кўриб ҳайратланишляпти. Чиндан-да, эндиликда баъзи қишлоқларни шаҳардан ажратиш қийин. Турмуш маданияти ҳам шунга яраша.

Шу ўринда савол туғилади. Нима учун қишлоқ одамлари учун ана шундай кўринишдаги уйлар қурилиши йўлга қўйилди? Асосий эзгу мақсад битта, у ҳам бўлса қишлоқ одамларининг яшаш шароитини, турмуш маданиятини оширишга қаратилган. Иккинчидан, эски замондаги "бизга бўлаверди", деган кайфиятни ўзгариштириш, замонавий уйлар қуришга одамларни ундаш!

Бир сўз билан айтганда, ислохотларнинг ҳаётбахш самаралари ҳар қадамда яққол сезилиб турибди. Халқимиз эса бундан руҳий куч-қувват олиб, келажагини ўз қўллари билан бунёд этмоқда. Зеро, илдиизлари мустаҳкам юрт ва миллатнинг йўли ҳамisha ёруғдир.

Ахборот макони

Расул
КУШЕРБАЕВ,Олий Мажлис
Қонунчилик
палатаси депутати,
О'зЛиДеР фракцияси
аъзоси

Бугунги глобаллашув даврида ҳаётимизни оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Зеро, юртимиз тараққиёти йўлидаги эзгу мақсадларни рўёбга чиқариш, истиқлол руҳига мос янги тафаккур тарзини шакллантириш, умуминсоний қадриятларни қарор топтириш, халқимиз маънавиятини юксалтириш билан боғлиқ хайрли ишларда журналистларнинг муносиб хизмати бор.

Шу боис мустақиллиқнинг дастлабки йилларида қонунчилик палатасида оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, айниқса ахборот олиш ва тарқатиш борасидаги қонунчилик базасини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бинобарин, фуқароларнинг ахборот олишига оид ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш юртимизда демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шарти сифатида белгиланган.

Бугун мамлакатимиздаги қарийб 1,5 мингга яқин оммавий ахборот воситалари фаолиятини ҳам айна шундай эзгу мақсад йўлида хизмат қиляпти десақ, муболага бўлмайди. Айниқса, ахборот тарқатишнинг замонавий ва самарали усули сифатида эътироф этилаётган интернет нашрларининг улуши кун сайин ортиб бораётгани эса бу борадаги ислохотларни янада чуқурлаштиришга хизмат қилмоқда. Қолаверса, юртимиздаги аксарият телерадиоканаллар томонидан тайёрланаётган курсатув ва эшиттиришлар интернет орқали реал вақт режимида бутун дунёга узатиляпти. Шу билан бирга давлат ва нодавлат ташкилотларининг интернетдаги веб-сайтлари ҳам фол ўшимақда.

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда оммавий ахборот воситалари билан давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асослари янада такомиллаштириб бораётир. Бунда, айниқса, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини амалга ошириш, ҳокимият ва жамоатчилик ўртасидаги узвий алоқани таъминлашда ОАВ ролини янада кучайтириш масаласига устувор аҳамият қаратилмоқда. Бу борада "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши ОАВ ходимлари ҳамда давлат органлари ўртасида яқин ҳамкорликни мустаҳкамлаш, журналистлар томонидан ахборот олиш, тўплаш ва тарқатиш масалаларида қонунчилик механизмларини такомиллаштириш, фуқароларни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ҳолис, тезкор ахборотлар билан таъминлаш, давлат органлари ва жамоатчилик ўртасида самарали ахборот алмашиш механизмини амалга оширишда янги имкониятлар эшигини очиб берди.

Умуман олганда истиқлол йилларида яратилган имкониятлар туфайли фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бири ҳисобланган оммавий ахборот воситалари бугунги кунда жамоатчилик фикрини ифода этадиган, ҳаётимизнинг барча жабҳаларини янада демократлаштириш йўлида ҳаракатлантирувчи куч сифатида намоён бўлмоқда.

Таъкидлаш жоизки, дунёда турли гоя ва манфаатлар кураши кучайиб бораётган бир пайтда оммавий ахборот воситаларининг ҳолисликни таъминлаб беришдаги роли ва масъулияти ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Табиийки бундай вазиятда жаҳон ахборот макони талабларига мос рақобатбардош ахборот материалларини тайёрлаш, журналистларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, даврий нашрларнинг сифатини ошириш, аҳолининг маънавий аҳтиёжини тўла қондириш борасидаги ишларни янги босқичга олиб чиқиш талаб этилади. Шу боис, оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий мустақиллигини ошириш, халқимиз маънавиятини янада юксалтириш, ёшларни турли ахборот хуружларидан ҳимоя қилишдаги ролини кучайтириш ҳамда бу борадаги қонун ҳужжатларининг амалиётга татбиқ этилиши билан боғлиқ жараёнларни мунтазам мониторинг қилиб бориш давр талаби эканлигини унутмаслик лозим.

Бу борада Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'зЛиДеР фракцияси аъзолари томонидан соҳага доир қонунчиликни такомиллаштириш, ушбу қонунлар ижроси юзасидан самарали парламент назоратини амалга ошириш бўйича тизимли ишлар олиб бориляпти. Хусусан, бу борада бир қатор қонунлар инвентаризациядан ўтказилиб, партиянинг сайловолди дастурига мос равишда ахборот мақсадида тегишли таклифлар ишлаб чиқишга эътибор қаратилляпти. Зеро, О'зЛиДеР ахборот эркинлигини таъминлашдан туриб, аҳолининг сиёсий фаоллигини ҳамда уларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги реал иштирокини таъминлаб бўлмайди, деб ҳисоблайди.

ПАРТИЯ ФАОЛИЯТИ

Қишлоқ мулкдорига кенг йўл

Расмиятчиликлардан холи, самимий ва эркин мулоқотларга нима етсин! Партиямиз ана шундай қўллаб-қувватлаш бўлими мудирлари билан тадбирларга бош-қош бўлаётгани, бу илгари сурилаётган либерал гояларга ниҳоятда ҳамоҳангдир.

Президентимиз О'зЛиДеРнинг VII қурултойида "Бизнинг мақсадимиз – эркин ва фаровон, демократик ҳаёт куриш" деб номланган маърузасида "Қишлоқ хўжалигимизнинг, ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, бутун мамлакатимизнинг тараққиётига улкан ҳисса бўлиб кирадиган фермерлик ҳаракати янги тарихимизда ўчмас из бўлиб қолажак десам, аини ҳақиқатни айтган бўламан" деган эди. Демак фермерлик ҳаракати иқтисодийнинг муҳим тармоғи сифатида ҳар қандай таърифта лойиқ. Шундай эмасми?

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари ўша маърузасида "Бугунги кунда умумхалқ бойлиги бўлиши эрни ижарага олган, бу ерга ўз мулки ва хизмати қўшган, замонавий техникага эга бўлган фермер хўжаликлари – нафақат қишлоқ хўжалигимизнинг асосий маҳсулотини ишлаб чиқарадиган, балки қишлоқнинг келажагини, тараққиётини ўз масъулиятига олган ижтимоий-сиёсий ҳаракатдир", деб таъкидлаган эди. Чорак аср мобайнида мустақил Ўзбекистон эгаллаган асосий марралардан бири ҳам, шакл-шубҳасиз, мулкдорлар синфи, шу жумладан, фермерлик ҳаракатига асос солингандир.

Вилоятимизни олиб қарайдиган бўлсак, бугунги кунда ҳудудимизда 1 миллион 747 минг аҳоли истиқомат қилса, 10 минг 899 та тадбиркорлик субъекти, 6 минг 821 та фермер хўжалиги, 436 та оилавий корхона давлат рўйхатидан ўтган. Ҳудудда О'зЛиДеРнинг 790 та бошланғич ташкилоти

мавжуд. 266 та бошланғич партия ташкилоти таркибиде 2 минг 393 нафар тадбиркорлик, 2 минг 257 нафар фермерлик фаолияти билан шуғулланадиган партия аъзоси бор. Улардан 257 нафарини фермер, 649 нафарини тадбиркор ва ишбилармон аёллар ташкил этади.

Маълумки, қишлоқ жойлариде фаолият юритаётган тадбиркор, ишбилармон ҳамда фермерларни партиявий тадбирларга жалб қилиш орқали уларнинг мамлакатни демократлаштириш ва модернизация қилиш, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнидаги иштирокини кучайтириш мумкин...

Аввало, қишлоқ мулкдорларига, яъни тадбиркор ва фермерларга амалий ёрдам кўрсатиш, муаммоларни бартараф этишнинг мақбул тизими ишлаб чиқилган. Иккинчидан, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини изчил бажариш доирасида О'зЛиДеР вилоят, туман, шаҳар Кенгашларининг мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришга, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга қаратилган фаолияти янада такомиллаштирилди. Жорий йилнинг биринчи ярмида О'зЛиДеР Хоразм вилоят Кенгаши Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш бўлими ташаббуси асосида ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда соҳа вакилларининг билимини ошириш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги маълумотларни юксалтиришга йўналтирилган 77 та тадбир ўтказилди.

Ушбу тадбирларда 3 минг 843 нафар тадбиркор ва ишбилармон, 1 минг 587 нафар фермер қатнашди. Айтиш

О'зЛиДеР Хоразм вилоят Кенгаши Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш бўлими мудирлари Азизбек МАТНАЗАРОВ билан суҳбат



жоизки, ушбу тадбирлар мулкдорни қўллаб-қувватлаш, унинг саёй-ҳаракатлари йўлида учраши мумкин бўлган тўсиқларни бартараф қилиш, партиявий лойиҳаларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган амалий анжуманларга айланди.

Очигини айтиш керак, айрим партияларо баҳсларда О'зЛиДеР асосан мулкдорлар манфаати учун курашади, аҳолининг кам таъминланган қатлами унинг назаридан четда, деган танқидлар ҳам сезилиб қолади. Сиз бунга қандай жавоб берган бўлар эдингиз?

Эсингизда бўлса, давлатимиз раҳбари юқориде номи қайд этилган қурултойида нутқиде наинки партиямиз, балки бутун жамиятимиз олдида 9 та муҳим вазифа қўйган эди. Шулардан бири аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини изчил ошириб боришдан иборат. Партияимизнинг бутун фаолияти, унга аъзо бўлган ўн минглаб тадбиркор, ишбилармон, фермер, касаначи, сервис соҳаси ходимларининг кўп қиррали ишлари ана шу вазифага қаратилган. Жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида вилоятда фаолият кўрсатаётган партия аъзолари бўлган 91 нафар фермер ва тадбиркор, фаоллар ўз ташаббуси билан 29 миллион сўмга

яқин ҳимийлик ёрдами кўрсатишди. Бу саховат кам таъминланган оилаларга чорва, парранда, озиқ-овқат, кийим-кечак олиб бериш, таълим муассасалари ва турар жойларни таъмирлаш, нуруний ва ногиронларга ёрдам кўрсатиш, ўқувчи ва талабаларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга йўналтирилди.

Келинг, суҳбатимизни бевосита фермерлик ҳаракатининг бугунги ҳолати ва келгуси режалар тафсилоти билан давом эттирсак.

Шу йилнинг 1 июнь кўни О'зЛиДеР Хива туман Кенгаши томонидан "Мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини жадал ривожлантиришга тўсиқлик қилаётган, тадбиркорлик ва фермерлик фаолияти эркинлигини чеклаётган муаммоларни бартараф этиш юзасидан аниқ амалий тақлиф ва ташаббуслар ишлаб чиқиш" мавзусида уюштирилган очик мулоқот ўзини ўзи танқид руҳида ўтди. Аиниқса, туманда боғдорчиликка ихтисослашган 238 та, полизчилик йўналишидаги 112 та фермер хўжалиқларининг иши ҳали ҳам талаб даражасида эмаслиги таъкидланди.

Аслида, ҳудудимиз бу борада беқис имкониятларга бойлиги, экспортга кенг йўл очилганлиги

қарамасдан ҳамон иш белгиланган даражада эмаслиги кўнгилни хира қилади. Шунингдек, касб-ҳунар коллежи битирувчиларига аинан қишлоқда бизнес бошлаши, жумладан, мевасабзавот, полиз, узумни қайта ишлаш қувватларини яратиш учун имтиёзли кредитлар бериш кераклиги таъкидланди.

Биласиз, биз танлаган мавзунинг партияимизнинг жорий лойиҳаларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Қишлоқ мулкдориде кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка рағбат уйғотиш, рақобатбардош, аиниқса, экспортбон товар ишлаб чиқаришга бўлган иштиёқни оширишда бу лойиҳалар муҳим аҳамиятга эга эмасми?

Худди шундай. Жорий йилнинг 13 апрель кўни Богот тумани Фермерлар кенгаши, О'зЛиДеР фаоллари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вакиллари, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, тадбиркор ва фермерлар иштирокида "Мулкдор оила" лойиҳасининг туман босқичи ўтказилди. Ушбу лойиҳа жойларда оилавий бизнеснинг кенг қулоч ёйишига, аиниқса, ёшлар орасидан мулкдорларнинг кўпроқ этишиб чиқишига йўл очмоқда. Қишлоққа саноатни олиб кириш орқали ҳудуд аҳли сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланмоқда.

Хуллас, асосий эътиборни тадбиркорлик, ишбилармонлик, фермерликни ривожлантириш, оилавий корхоналар ташкил этиш, соҳага илғор тажриба ва инновацияларни жорий этиш, қонунчилигимизда белгиланган имтиёз ва преференциялардан самарали фойдаланишга қаратаймиз. Мақсадимиз ҳам қишлоқ тараққиёти, аҳоли фаровонлиги, дастурхонимиз тўқинлигига ўз ҳиссамизни қўшишдир.

"XXI asr" мухбири Янгибой ҚўҚОРОВ суҳбатлашди.

О'зЛиДеР Шуманай туман Кенгаши томонидан мустақиллигимизнинг 25 йиллиги муносабати билан давра суҳбати ўтказилди. Партия фаоллари, тадбиркор ва фермерлар иштирок этган мазкур тадбирда истиқлол йилларида хотин-қизлар саломатлигини асраш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, оилавий тадбиркорликка янада кенгроқ жалб этиш каби масалалар муҳокама марказида бўлди.

Ишбилармон аёллар ибрати

Айни пайтда туманимиз аҳолисининг 27 минг нафардан ортигини аёллар ташкил этади, – дейди Халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Айимхон Қарлибаева. – Жорий йилнинг олти ойи давомида 94 нафар хотин-қизга тадбиркорлик билан шуғулланиш учун 430 миллион сўм миқдориде имтиёзли кредит ажратилди. Натижада 107 та янги иш ўрни яратилди.



О'зЛиДеР Хўжалик туман Кенгаши томонидан "Ишбилармонлик – давр талаби" мавзусида уюштирилган давра суҳбатида соҳага доир қабул қилинган қонунлар, қарорлар ҳамда туманда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз юритилди.

Тадбир давомида партия гоявий дастуридан келиб чиқадиган мақсад ва вазифаларни тарғиб этишда ташаббускорлик кўрсатиб келаётган хотин-қизлар ташкилотчилар томонидан фахрий ёрликлар билан тақдирланди.

О'зЛиДеР Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши Матбуот хизмати

Долзарб мавзуда мулоқот

Навобий шахрида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди Журналистларни қайта тайёрлаш маркази билан ҳамкорликда "Фуқароларнинг коррупция ҳолатлари олдини олиш бўйича хабардорлиги ва ҳуқуқий онгини ошириш масалалари" мавзусида давра суҳбатини бўлиб ўтди. Тадбирда марказий ва маҳаллий ОАВ ҳамда фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирок этишди.

Коррупция дунёнинг қўллаб мамлакатларида долзарб ва глобал муаммолардан бири бўлиб қолмоқда, – дейди Журналистларни қайта тайёрлаш маркази тренери Нозима Тошпулатова. – У жамият ҳаётининг барча жабҳаларига кириб бориб, одоб-ахлоқ меъёрларини бузди, эркинлик ва демократик тамойилларга, фуқароларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига бўлган ишончига путур етказди, давлатнинг иқтисодий ривожига тўсиқлик қилади. Шундай экан, коррупциявий ҳолатларни бартараф қилмасдан, жамиятнинг барқарор ривожланиши мумкин эмас. Семинар-тренингни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад – ОАВ ва фуқаролик жамияти институтлари вакилларининг ушбу иллатга қарши кураш масалаларида хабардорлигини ошириш, ОАВда бу каби долзарб мавзуларни ёритиш бўйича кўникмаларни ўзлаштиришдан иборат.

Ривожланган демократик давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, коррупцияга қарши кураш тизимида ОАВ ва жамоат ташкилотлари муҳим роль ўйнайди. Бу борада ОАВнинг муҳим мақсади жамоатчиликка коррупциянинг ривожланиши ва тарқалишига қарши мафқуравий иммунитетни яратишдан иборат. Журналистлар коррупцияга қарши курашда жамоатчилик назорати тузилмалари билан яқин ҳамкорлик қилишлари лозим.

Жонли мулоқот ва интерактив услубда ўтган семинар-тренингда иштирокчиларга коррупцияга қарши кураш, журналистик суриштирувни ўтказиш ва мавзунини таҳлилий ёритиш бўйича билим ва касбий кўникмаларни ўзлаштиришга оид маълумотлар берилди. Тадбир якунида иштирокчилар томонидан мавзуга доир тегишли тақлиф ва тавсиялар билдирилди.

Мансур АСЛОНОВ, "XXI asr" мухбири

ФОРУМ – МЕНИНГ ҲАЁТИМДА

Ўрганиш, изланиш ва ҳамкорлик

ёш тадбиркор ва фермерларнинг шиорига айланди

О'ЗЛИДЕР ТАШАББУСИ БИЛАН ЎТКАЗИЛГАН ЁШ ТАДБИРКОРЛАР ВА ФЕРМЕРЛАР ФОРУМИ МАМЛАКАТИМИЗДА ИНТИЛУВЧАН, ТАШАБУСКОР, ЮРТ МАНФААТИ УЧУН БОР КУЧ-ҲАЙРАТИНИ АЯМАЙДИГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР САФИ КЕНГАЙИБ БОРАЁТГАНИНИ ИСБОТЛАДИ. ИЛК БОР ЎТКАЗИЛГАН УШБУ ТАДБИР ИШТИРОКЧИЛАР УЧУН ДЎСТЛИК, ЎЗARO ТАЖРИБА АЛМАШИШ ВА Ёшлик ФЕСТИВАЛИГА АЙЛАНДИ




Сарвар КАБИРОВ Тошкент вилояти:

– Кўндан буён О'зЛиДеР лойиҳаларида фаол иштирок этиб келаман. "Буюк келажак сари", "Диплом билан – бизнесга", "Сенинг тенгдошинг", "Мустақиллик туғайли мулкдор бўлдим" каби лойиҳалар мени партиянинг дастурий мақсадлари билан яқиндан танишишимга туртки бўлди. Маҳаллий кенгашлардаги депутатлар кўмагида тадбиркорларни ўйлантириб келаётган айрим муаммолар ҳал этилаётгани унинг нуфузини оширибгина қолмай, партия чин маънода тадбиркорнинг таянчи ва суянчига айланганини кўрсатмоқда.

Мазкур форум фаолиятимни ривожлантириш, соҳага оид янгиликлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан танишиб, уларнинг моҳиятини янада теранроқ англаш имконини яратиб берди.

Тадбиркорликка қўл урганамга эндигина бир йил бўлди. Паррандачиликка ихтисослашган "Maxi markets" корхонасини ташкил этиб, ички бозорни истеъмол маҳсулотлари билан таъминляяман. Айни кунда корхонада 17 киши иш билан банд. Форум давомида шу йўналишдаги корхона раҳбарлари билан суҳбатлашдим. Жўжаларни парваришлаш бўйича қимматли маслаҳатларни тинглаб, давлатимиз томонидан соҳага берилётган имтиёз ва преференциялар ҳақида маълумот олдим. Булар келажакда фаолиятимни янада кенгайтириш ва кўпроқ даромад олишда асқомади.



Зилола НУРИДИНОВА, Жиззах вилояти:

– Авваллари аёл кишининг тадбиркорлик билан шуғулланиши эшитган қўлоққа галати туюлар эди. Бугунги форумда қатнашган хотин-қизларни кўриб, истиқлол ҳаётимиз ва тафаккуримизни тубдан ўзгартирганини яна бир бор ҳис этдим. Аёлларнинг катта-катта лойиҳаларни амалга ошираётгани, фермерлик билан шуғулланиб, катта муваффақиятларга эришаётгани мени ҳам руҳлантирмоқда.

Ўз навбатида, ана шундай фаол қизлар сафида эканимдан фахрландим. Ўтган йил коллежни битирачи, банкдан имтиёзли кредит олиб, асаларчилик хўжалиги ташкил этдим. Ҳозирги кунда 10 та асалари оиласини парварिश қиляман. Маҳсулотларимизни қўшни вилоятларга ҳам етказиб бераймиз. Форумда асаларчилик, балиқчилик сингари хўжаликларга қатор солиқ имтиёзлари берилгани хусусида маълумотга эга бўлдим.

Юртимизда спорт маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган корхоналар саноқли бўлгани боис, тадбир иштирокчилари фаолиятимизга катта қизиқиш билдиришди. Андижон ва хоразмлик тенгдошларим мендан шу турдаги корхонани очиб учун маслаҳат сўрашди. Улар билан ҳозирда мулоқот қилиб турибмиз.

Демак, форум бизга ўхшаган ёш тадбиркорларни нафақат бир жойга тўплади, балки билим олиш, тажриба алмашиш учун замин яратди. Биз бу каби тадбирларни мунтазам ўтказиб турилиши тарафдоримиз.

Улугбек СУЛТОНОВ, Қашқадарё вилояти:

– Мамлакатимизда ёшларни спортга жалб этиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, юртимиз бўйлаб қад ростлаётган спорт иншоотлари навқирон авлод вакилларининг ҳар томонлама баркамол бўлиб воёга етишида муҳим омили бўлмоқда.

Мен ҳам ана шундай эзгу ишларга ўз ҳиссамни қўшиш мақсадида, банкдан кредит олиб, спорт маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона ташкил этдим. Корхонамизда спорт кийимлари, футбол ва волейбол тўрлари ишлаб чиқарилмоқда. Келажакда янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариб, хорижага экспорт қилиш ниятидаман. Форумда маҳсулотларини экспорт қилаётган корхона раҳбарлари билан суҳбатлашдим, хоржидан олиб келинадиган замонавий технологиялар учун белгиланган божхона ва солиқ имтиёзларидан хабардор бўлдим.

Сардор ТУРОБОВ тайёрлади.

ИМКОНИЯТ

Ёшлар учун
яна бир синов

«Давом. Бошланғич 1-саноқда»

O'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан барча худудларда давлатимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллигига бағишланган турли тадбирлар тизимли равишда ташкил қилинапти. Хусусан, бугун Навоий вилоятида "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" деган эзгу гоани ўзида мужассам этган "Мустақилликка менинг ҳиссам" номли ёш тадбиркорлар ва фермерлар кўргазмаси ҳамда "Ишбилармон талаба - 2016" стипендияси кўрик-танловининг республика босқичи бошланди.

Ташкилотчилар қайд этганидек, ушбу тадбирлар ёшлар онги ва қалбида юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, фаровон ҳаётга шукроналик, уларнинг тадбиркорликка қизиқишини янада ошириш, ўз бизнесини бошлаши учун иқтисодий ва ҳуқуқий шароит яратиш, юрт келажаги йўлидаги изланиш ва интилишларини, жамоат ишларидаги иштирокини рағбатлантиришга хизмат қилади.

— 2004 йилдан буён ўтказилаётган "Ишбилармон талаба" партиянинг илк лойиҳаларидан бири, — дейди O'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Сардор Маринов. — Мазкур кўрик-танлов шу кунга қадар минглаб иқтидор соҳибларини кашф этди. Унда голиб бўлиб, махсус стипендияни қўлга киритган академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўз тадбиркорлик фаолиятини айнан партия кўмағида йўлга қўйгани қувонарли.

Дарҳақиқат, ўтган давр мобайнида 280 нафар ўғил-қиз партия стипендияси совриндори бўлган. Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган лойиҳа доирасида жами 150 мингдан зиёд ёшлар қатнашган. Уларнинг 15 минг 435 нафари хусусий бизнесга қўл урган. Эътиборлиси, ёш ишбилармонлар 45 минг 330 та янги иш ўрни яратди. Жорий йилда ҳам мазкур лойиҳанинг туман, шаҳар ва вилоят босқичлари муваффақиятли ўтказилди. Лойиҳа доирасида ўтказилган тадбирларда 10 мингдан ортиқ ўқувчи-ёшлар

фаол иштирок этди. Энг яхши деб топилган 42 нафар иштирокчи танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Қайд этиш керак, энг улуг, энг азиз айём арафасида ўз бизнесини намунали олиб бораётган иқтидорли тадбиркорлар ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда юқори натижаларга эришадиган ёш фермерлар иштирокидаги кўргазма, шунингдек, академик лицей ва касб-хунар коллежи талабалари орасидан истеъдод эгаларини кашф этувчи кўрик-танловни юқори савияда, бекаму кўст уюштиришга жиддий ҳозирлик кўрилди.

— Бугун иштирокчилар сўлим боғда қад ростлаган Алишер Навоий бобомиз ҳайкали пойига гулчамбар қўйиб, шоирлар султонига ҳурмат бажо этишди. Сўнгра матбуот анжумани уюштирилиб, тадбирнинг мақсад-моҳияти, унинг доирасида ўтказилаётган учрашувлар хусусида маълумот берилди. — дейди партия Навоий вилоят Кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Жўрабек Аслонов. — Байрамона тарзда, Ва-танга муҳаббат, юртга садоқат, истиқлол неъматларига шукроналик ва партиямиз дастурий гоиларини акс эттирган шор ва кўргазмалар билан безатилган Асосий тадбирлар бўлиб ўтадиган Ёшлар марказида иштирокчилар қарнай-сурнай садолари остида кутиб олинмоқда. Тадбирнинг иккинчи — якуний кунда қатнашчилар истиқлол йилларида вилоятимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишадилар. Қосимшайх Азизон, Малик Работ, Сардоба ва Чашма сингари тарихий-мемориал мажмуаларни зиёрат қилиб, "Эркин индустриал иқтисодий зона"да фаолият кўрсатаётган корхоналарга, шунингдек, туманлардаги ишлаб чиқариш объектлари ва фермер хўжаликларига боришади.

Мансур АСЛОНОВ,
"XXI asr" мухбири

Ушбу кўрик-танлов ҳақидаги тахлилий маълумот, таассуротлар билан газетамизнинг кейинги сонида танишасиз.

Марлен Сейтумеров,
Янгикўрган агросервис ва транспорт касб-хунар коллежи ўқувчиси,
Наманган вилояти:


— Танловнинг вилоят босқичида "Замонавий эркаклар қўллақларини ишлаб чиқариш" бўлиши бўйича биринчи ўринни қўлга киритдим. Коллежни тугатган, ҳеч очиб, 15 нафар тендердошимни иш билан таъминлаш ниятиданман. Республика босқичида юқори ўринни олиш асосий мақсадларимдан бири. Билишимча, танловдан мақсад фақатгина голибларни аниқлаш эмас. Тадбир мобайнида ёшлар таъриба алмашишади, янги-янги гоилар илгари сурилади, кўплар ўз устида янада ишлаши, ўрганиши, изланиши лозимлигини англайди.

Бобур Хўжамқулов,
Зомин қишлоқ хўжалиги ва маиший хизмат касб-хунар коллежи ўқувчиси,
Жиззах вилояти:

— Ушбу тадбирда шижоатли, интеллектуал салоҳияти юқори бўлган ёшлар билан танишдим, тендердошларим томонидан тайёрланган инновацион лойиҳаларни кўриб, ҳайратландим, ҳавас қилдим. Келгусида кўп тармоқли фермер хўжалиги ташкил этиш энг катта орзуим. Пахта ва галла етиштириш баробарида бозорларимизнинг сархил мева-сабзавотлар билан тўла бўлишига ўз ҳиссамни қўшмоқчиман.

Эндигина тадбиркорликни бошлаган кезларим, жуда иккиланганман. Эплаб кетармиканман, маҳсулотим оммалашармикан, деган хавотирлар ҳам йўқ эмас эди. Аммо, юртимиздаги қулай ишбилармонлик муҳити, солиқ соҳасида яратилган имтиёзлар катта корхонанинг эгаси бўлишимга туртки бўлди.

“Дамбоғ пойабзали”нинг доврўғи



Хотам МАМАДАЛИЕВ (ўра) олган сурат.

Икки нафар ишчи билан фаолият бошлаган эдим. Бугунги кунда корхонада 55 кишининг бандлиги таъминланган. Жамомиздаги аҳиллик, кўтаринки кайфият иш унумдорлигини оширибгина қолмай, халқимизга ҳам сифатли, ҳам ҳамёнбоп пойабзал етказиб беришда муҳим аҳамият касб этиляпти.

Истиқлолдан олдинги йилларда "чет элники" дея мақтаниб, оёқ кийимини кўз-кўз қилганларга ҳавас билан қаралган. Чунки, у пайтларда хорижий пойабзалларини сотиб олишга ҳаммамнинг ҳам қур-

би етмасди. Ёхуд қишда кийиландиган этикни баҳорда тепасидан қирқиб, ёзда учи ва орқасидан кесиб, шиппак қилиб кийишган.


Энди-чи? Бозорларимизга борсангиз, ҳаммаси ўзимизники. Ҳар биримизнинг тўрт фасл учун алоҳида, ишга, тўйга, саёҳат учун мўлжалланган оёқ кийимларимиз бор. Катталардан тортиб, кичкинтойларгача хоҳлаганини танлашади. Сифатлиси ва қўлайини олишади. Бу эса барчамизда фахр-ифтихор туйғусини уйғотади.

Шуни қувонч билан айтишим

мумкинки, ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизни Қирғизистон Республикасига экспорт қилаёмиз. Келгусида Россияга чиқаришни ҳам режалаштирганмиз.

Бундай муваффақиятларни қўлга киритишимиз осон бўлмади. Пойабзалларнинг сифатига, сўнгра уни реклама қилишга катта аҳамият қаратяёмиз. Чунки, мен каби тадбиркорлар сафи кун сайин кенгайиб бораёпти. Рақобат ҳам кучли. Доимо изландим. Маҳсулотларим ўз харидорларини топаётганидан хурсандимиз.

Бугун мустақилликнинг шукухи дилларга ўзгача қувонч бағишламоқда, шукроналик ҳиссини уйғотмоқда. Ўз касбу коридан барака топаётган юртдошларим қалбида келажакка қатъий ишонч билан ютуқлар сари дадил одимламоқда. Илоҳим, муссаффо осмонимизга, фаровон турмушимизга ҳеч қачон кўз тегмасин.

Абдулносир
ҲОЖИМИРЗАЕВ,
Наманган шаҳридаги
“Дамбоғ пойабзали”
хусусий корхонаси раҳбари

Юксалиш босқичлари

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси томонидан Андижон қишлоқ хўжалик институтида “Мустақилликнинг 25 йиллиги: фермерлик ҳаракати — қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва ривожлантиришнинг муҳим омили” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

— Истиқлол йилларида қишлоқ хўжалигида амалга оширилган чучук иқтисодий ислохотлар туфайли мамлакатимизда биргина сутни қайта ишлаш саноатида 2012-2015 йиллар мобайнида 196 та янги корхона барпо этилди, — деди қўмита раиси Тўлқин

Эшназаров. — Шунингдек, 243 та фаолият юритаётган корхонада модернизация ишлари якунланди. Натижада, ўтган йили сут ва сут маҳсулотлари ҳажми 796 минг 700 тоннага етди. Шунингдек, пишлоқ ва бринза ишлаб чиқариш 12 минг 900, сариёғ ишлаб чиқариш эса 13 минг 300 тоннани ташкил этди. Айни пайтда сутдан 18 хил маҳсулот — шоколадли пишлоқ, эритилган пишлоқ ва йогурт, қукултирилган шакарли сут, 82,5 фоизли сариёғ, болалар учун шоколадли ичимлик, 11 хилдаги қа-

доқланган музқаймоқлар ишлаб чиқарилмоқда.

Андижон вилоят Фермерлар кенгаши раиси Ф. Набижонов кўп тармоқли фермер хўжаликларини фаолиятини ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида тўхталиб, вилоятда 2015 йилда 1 минг 498 та фермер хўжаликларини кўп тармоқли фаолиятга ўтгани қутилган самара бераётганини таъкидлади. Хусусан, Қўрғонтепа туманидаги “Оқсув” кўп тармоқли фермер хўжалигида йилга 420 тонна сут маҳсулотини қайта ишлаш йўлга қўйилди. Эътиборлиси, маҳсулотларнинг маълум қисми экспортга йўналтирилмоқда.

Аъзам ҚОДИРОВ

“Бека чарос”нинг қадами дадил

O'zLiDeP Самарқанд вилоят Кенгаши томонидан Паст-дарғом туманида фаолият юритаётган “Бека Чарос” хусусий корхонасида давра суҳбати ташкил этилди.

Президентимизнинг 2015 йил 28 апрелдаги “Иқтисодий ҳусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан белгиланган устувор вазифаларга бағишланган мазкур тадбирда партия фаоллари, депутат ва тадбиркорлар иштирок этди. — Муҳим ишлайдиган биномиз

йўқлиги боис ишлаб чиқаришни самарали йўлга қўйишга қийнашарди, — дейди “Бека Чарос” хусусий корхонаси раҳбари Гулбека Қўчқорова. — Президентимизнинг мазкур қарори бизга катта далал бўлди. Туманимиздаги бўш турган бинога жойлашдик ва яна 25 нафар тумандошимизни иш

билан таъминладик. Айни пайтда корхонада махсус иш кийимлари, мактаб формалари, ўн турдаги трикотаж маҳсулотлари тайёрланмоқда.

— Ушбу муҳим ҳужжат давлат таъсирини паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган корхоналар, бўш турган ва қурилиши тугалланмаган биноларнинг “ноль” қийматда сотилиши, натижада ишлаб чиқариш салоҳиятининг юксалишига, хусусийлаштириш жараёнининг жадаллашишида муҳим аҳамиятга эга,

— дейди Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Бахтиёр Хўжаёров. — Вилоятда 26 та давлат объекти 17 миллиард 70 миллион сўм ва 11 миллион АҚШ доллари миқдорда инвестиция мажбурияти эвазига сотилди. Бу эса 2 мингта янги иш ўрни яратиш имконини берди.

Тадбир сўнгиде тадбиркорларни қизиқтирган саволларга мутахассислар жавоб қайтаришди.

Муҳаббат РАВШАНОВА,
“XXI asr” мухбири

Фаровонлик сари

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Бухоро худудий бўлинимасида O'zLiDeP вилоят Кенгаши томонидан “Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда кичик саноат зоналарининг аҳамияти” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Партия вилоят Кенгаши раисининг тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича ўринбосари, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Тохир Бахромов Президентимизнинг 2014 йил 3 июлдаги “Давлат мулки объектларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш борасидаги

қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ва унинг аҳамияти хусусида сўз юритди. Шунингдек, ушбу муҳим ҳужжат O'zLiDePнинг электорати манфаатларига тўла мос келиши, партиянинг вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари эса қарор ижросини таъминлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишга кўмаклашиши лозимлиги қайд этди.

— Мазкур қарор асосида Бухоро ва Когон шаҳарлари, шунингдек, Когон туманига қарашли 11 гектардан ортиқ майдонда 3 та кичик саноат худудлари ташкил этиш режалаштирилиб, 24 нафар тадбиркор инвестиция мажбуриятлари билан тегишли ҳокимликлар комиссиялари орқали танлаб олинди. Бундай ишларнинг амалга оширилиши вилоят иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим омил бўлади, — дейди вилоят ҳокимлиги Худудларни комплекс ривожлантириш йигма бошқармаси бошлигининг ўринбосари Идибой Жўраев.

“Нефтқимётранс” МЧЖ раҳбари Фазлиддин Темировнинг фикрича, тадбиркорлар учун бундай қўлайликларнинг яратилиши замонавий рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқиш ва хизмат кўрсатиш турларини кенгайтириш, аҳоли даромадлари ўсишини таъминлаш имконини беради.

Бундай кичик саноат зоналарининг аҳамиятли жиҳати — ишлаб чиқариш майдонларига тадбиркорлик субъектларини жойлаштириш бўйича тайёрланган лойиҳаларга мувофиқ зарур муҳандислик коммуникациялари ва инфрақурилишлар қурилиши мутасадди ташкилотларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Бу эса тадбиркор учун айна мудида.

Асхор ИСТАМОВ,
“XXI asr” мухбири

Тараққиёт хизматида

O'zLiDeP Жиззах вилоят Кенгаши, халқ депутатлари туман, шаҳар ва вилоят Кенгаши депутатлари ва партия аъзолари томонидан ташкил этилган давра суҳбати ҳам Президентимизнинг юқориде номи қайд этилган қарори ва унинг ижросига бағишланди.

Таъкидландики, ушбу қарорга асосан вилоятда 15 миллиард 100 миллион сўмлик инвестиция мажбурияти ва 306 та янги иш ўрни

яратиш шarti билан 5 та давлат мулки объекти “ноль” харид қийматига сотилган. 11 та туманда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва сер-

вис объектларини барпо этиш учун кичик саноат зонаси ташкил этилди. Бугунги кунда ушбу майдонларда 121 та ишлаб чиқариш лойиҳаси шакллантирилди.

Ҳозирда кичик саноат зоналарида 10 та лойиҳа амалга оширилди. Жумладан, Жиззах шаҳридаги “Жаннати Бибиноним”, “Искандарнинг орзуси” МЧЖ, “Мумтоз келажак”, Фаллаорол туманида-

ги “Баланд тоғлар сари”, Зомин туманидаги “Жиззах полтури”, Янгйобод туманидаги “Янгйобод кварц” ва бошқа корхоналарда 138 та янги иш ўрни яратилди. Тадбирда кичик саноат худудларида танлов комиссиялари томонидан қурилиш, озик-овқат, энгил саноат ва аҳоли истеъмоли учун зарур бўлган, шунингдек, импорт-боп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эътибор қаратиш каби масалалар муҳокама қилинди.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,
“XXI asr” мухбири

Ишонч ва рағбат

Шу мавзудаги давра суҳбати O'zLiDeP Тошкент вилояти Кенгашида ҳам бўлиб ўтди. Унда партиянинг маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари, вазирилик ва идоралар вакиллари, кичик саноат зоналарида фаолият юритаётган тадбиркор ва ишбилармонлар иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, кичик саноат зоналари фаолиятини Вазирилар Маҳкамасининг 2014 йил 31 декабрдаги қарори билан тасдиқланган “Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва уларнинг фаолиятини ташкил қилиш тартиби тўғрисида”ги низом билан тартибга солинади. Мазкур низомга асосан, тадбиркорлик субъектларига ер

Тошкент вилояти Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси маълумотига кўра, “ноль” харид қийматда сотилган объектларда ўтган ярим йилда 13 миллиард 139 миллион 100 минг сўм ва 47 минг 700 АҚШ доллари миқдорда киритилган инвестициялар асосида 825 та янги иш ўрни яратилди. Ушбу ишлар 115 та шартнома лойиҳалар доирасида амалга оширилди.

Шунингдек, оммавий савдо орқали жорий йилнинг биринчи ярим йилида 50 та давлат объекти 13 триллион 586 миллиард сўмга сотилди. Масалан, Ангрэн шаҳридаги “Кулол” АЖнинг бўш турган биносиде қурилиш материаллари ишлаб чиқариш мақсадида “Сareer

universal trans” МЧЖ томонидан 5 миллиард сўм инвестиция киритиш ва 150 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган. Ҳозирда таъмирлаш ва қайта жиҳозлаш учун 600 миллион сўмлик инвестиция киритилди.

Паркент туманидаги 17-умумий ўрта таълим мактабининг эски биносини негизда доривор ўсимлик ҳамда манзарали дарахлар ўстириш, минерал сув ишлаб чиқариш мақсадида “So'qoq gliosi” фермер хўжалиги томонидан 1 миллиард 200 миллион сўм ҳажмда инвестиция киритиш ва 35 та янги иш ўрни яратиш мақсадида 400 миллион сўм миқдорда инвестиция ажратилди.

Сева АЗИМОВА,
“XXI asr” мухбири



БОШЛАНГИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

Электорат билан ҳамнафас



Маҳмадали Қулбулов. – Ҳар бир мурожаатни кенгаш аъзолари ва депутатларимизни жалб этган ҳолда ўрганиб, ечимини топишга ҳаракат қилаемиз. Қайд этиш керакки, туманимиздаги 61 та БПТ 987 нафар партия аъзосини бирлаштирган. Одамларни ўйлантираётган муаммолар ҳал қилинишига партиявий воситалар билан кўмаклашамиз. Ўтган 6 ойда тегишли ташкилотларга 35 та депутатлик сўрови йўлланди, 8 та эшитув ташкил этилди. Шу билан бирга кўйи бўғинлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, аъзолар сифат таркибини яхшилаш, тадбиркорлар учун қулай бизнес муҳитини яратиш борасида депутатлар ва бошланғич ташкилотлар ҳамкорлигида тақлифлар ишлаб чиқилапти.

Шу ўринда жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларга ечим топилаётганига бир неча мисол келтириш мақсадга мувофиқ. “Умр баҳори” фермер хўжалигида партия таянч тузилмаси йиғилишида фермер хўжалиқларини оқар сув билан таъминлаш ва бу борадаги камчиликларни бартараф этиш масаласи муҳокама қилиниб, O'zLiDeP туман Кенгаши эътиборига ҳавола этилган эди. Депутатлар томонидан бу масала атрофида ўрганилиб, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимининг кўмағида муаммо бартараф этилиб, сув таъминоти яхшиланди.

Шунингдек, “Фозлик” МФЙ ҳудудидаги БПТ йиғилишида маҳалла биноси таъмирталаб бўлиб қолганига доир масала кўтарилган эди. Ушбу масала юзасидан фаоллар Халқ депутатлари туман Кенгашидаги партиявий депутатлик гуруҳига мурожаат этишгач, депутатлар маҳаллага келиб, сайловчилар билан юзма-юз мулоқотга киришишди. Натижада, бино таъмири учун маблағ ажратилиши хусусидаги депутатлик сўрови “Маҳалла” жамғармаси жамоат фонди туман бўлимига йўлланди ва бино таъмирдан чиқарилди.

Депутат Ҳажим Лутфуллаевга ҳам БПТ йиғилишида ўрганилган масала етиб келди. Унда тоғолди қишлоқларида яшовчи фуқаролар суғултирилган газ билан таъминлаш борасида узлишларга йўл қўйилаётгани, бу борадаги ишларни яхшилашга ёрдам беришни сўрашган. Партиявий вакили саъй-ҳаракатлари туфайли Нав,

Ширинбулок, Ҳайдарбулок, Зомит ва Чақар қишлоқларига суғултирилган газни узлуксиз етказиб бериш йўлга қўйилди.

“Мевазор” маҳалласида эса маҳалла гузари йўқлигини англаган сафдошларимиз бу муаммони ҳам бартараф этишга киришишди. Пировардида, нафақат гузар куриш учун ер ажратилди, балки сартарошхона, пойабзал устахонаси, савдо дўкони, кийим-кечак ва чарм сумкалар тикиш цехлари, қизларга тикувчилик бўйича сабоқ берувчи ўқув маркази куриш ишлари бошлаб юборилди. Янги гузар истиқлол байрами арафасида аҳолига тўхфа этилади. Шунингдек, 90 та янги хонадон электр билан таъминланиб, Жайчи кўчасига ичимлик сув қувурлари тортилди.

Шунингдек, “Агро голд премиум” МЧЖга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва экспортга чиқаришни йўлга қўйиш учун 600 миллион сўмлик кредит ажратилиши, “Қурбон текс” МЧЖ базасида ип-калава ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилишида ҳам партиядошларимизнинг улуши бор.

– 107 нафар ҳаммаслагимизнинг асосий қисми ташаббускор ёшлардан иборат, – дейди “Ўзбекиофизика” ОАЖнинг “Яккабоғ геофизика экспедицияси” филиалидаги БПТ раиси Обид Соатов. – Улар аҳоли ўртасида партиявийнинг дастурий мақсадларини кенг тарғиб қилиш баробарида жойлардаги муаммоларни ўрганиб, партия туман кенгаши ва депутатлик гуруҳи йиғилишларига олиб чиқишмоқда. Жамоамизда меҳнат қилаётган тумандаги энг ёш депутат Бекзод Жабборов яқинда бўлган йиғилишда партия фаолларини рағбатлантириш тўғрисида тақлиф билдирди.

Туманимиз тоғли ҳудудда жойлашгани боис аҳолини муқобил энергия билан таъминлаш, шамол энергиясидан фойдаланишни йўлга қўйиш борасида амалий тақлифлар ишлаб чиқаямиз. Чунончи, Ҳўсин қишлоғини электр билан таъминлашга яқиндан ёрдам бердик.

– Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада кўпроқ қўллаб-қувватлашга интиляемиз, – дейди партия туман ташкилоти БПТлар билан ишлаш бўйича бош консултанти Суннат Умиров. – Хусусий секторни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ҳуқуқий хўжатлар мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтиришда тумандаги молия, солиқ органлари, ахборот-маслаҳат маркази, тижорат банклари ходимлари иштирок этишапти.

Мухтасар айтганда, партия электорати билан ҳамқадам ва ҳамнафас бўлиш, халқ фаровонлиги учун масъулиятни сезиб яшаш яккабоғлик сафдошларимизнинг фаолият мезониغا айланган.

Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI asr” мухбири

– Вилоятда ўз сафида 21 минг 213 нафар аъзони бирлаштирган 557 та бошланғич ташкилотнинг 171 тасини аёллар бошқаряпти, – дейди O'zLiDeP Навоий вилоят Кенгаши БПТлар билан ишлаш гуруҳи раҳбари Бобур Бўронов. – Улар амалга ошираётган хайрли ишлар туфайли хотин-қизлар ўртасида ҳам партиявий нуфузи тобора ортмоқда. Масалан, “Шаҳзода Асл текстил” хусусий корхонасида ташкил этилган кўйи бўғинни ҳам сафдошимиз, тадбиркор Шаҳзода Умарова бошқармоқда.

Ҳар соҳада етакчи



– 2009 йилдан бунён O'zLiDeP аъзосиман, – дейди Ш. Умарова. – 7 нафар маслақдошимизни жишлаштирган таянч тузилмамиз дастлаб 2011 йилда “Навоий бизнес маскани” нодавлат таълим муассасасида ташкил топган эди.

Мазкур таълим масканида 20 та гуруҳда олий ўқув юрларида ўқиш истагидаги ёшларга сабоқ бериляпти. Бундан ташқари, 38 йўналиш бўйича касб-ҳунар ўрганаётганлар амалиёт ўташи учун мўъжаз тикувчилик маркази ҳам ташкил этилган. Таянч тузилма таркибидagi аъзолар эса 18 нафарга етди.

Жорий йил бошида ўқув маркази хусусий корхонага айлантирилиб, 20 та янги иш ўрни яратилди. Айни пайтда корхонанинг Конимех туманида ҳам филиали очилиб, чекка овулларда яшовчи 21 нафар коллеж битирувчиси либос тикиш билан машғул. Ишлаб чиқариш масканида айни дамда 29 турдаги харидордир трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариляпти. Ишчларнинг аввал 10, кейинчалик яна 23 нафари O'zLiDePга аъзо бўлишди.

Яқинда тиниб-тинчимас сафдошимизнинг ҳаётида яна бир қувончли воқеа юз берди. Шаҳзода Умарова “Ишбилармон аёл” кўрик танловининг республика босқичида иштирок этиб, “Замонавий тадбиркор аёл портрети” номинацияси ғолиби бўлди.

Вилоятдаги фаол аёллардан яна бири – Халқ депутатлари Қизилтепа туман Кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси, “Асадбек Зиё Нур” хусусий корхонаси раҳбари, БПТ етакчиси Зебо Рустамовадир. У бошчилик қилаётган ушбу корхонада 6 йилдан бунён маҳаллий хомашёдан адрас тўқилади. Шуниси диққатга сазоворки, маслақдошимиз кам таъминланган хотин-қизларнинг касб-ҳунар ўрганишларига кўмаклашишни асосий мақсади деб билади. Шу ниятда туман Бандликка кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда 20 нафар аёлнинг тикувчилик ва адрас тўқилиш ўрганишига ёрдам берди. Эътиборлиси, ўтган йили коллежни битирган Гулсарвар Нуриддинова ва Мархабо Явқочдиевалар унинг кўмағи билан банкдан имтиёзли кредит олиб, ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлашди.

– Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг жамиятдаги мавқени кучайтириш ҳамда ёшларнинг мамлакатимизда кечаётган жараёнлардаги иштирокини кенгайтириш партиявийнинг бош вазифаларидан, – дейди O'zLiDeP ҳудудий ташкилоти партиявий-ташқилий ишлар бўлими мудири Қобил Астанов. – Ана шулардан келиб чиққан ҳолда ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида тарғибот ишларини кучайтириш, уларни партия аъзолигига жалб қилишга эътибор қаратяемиз. 2010 йилда партия аъзоларининг 12 фоизини хотин-қизлар ташкил этган бўлса, ҳозирда уларнинг сонини уч баробар ортди. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида сафимизда аёллар 700 нафарга кўпайди. БПТ раислигига сайланган опа-сингилларимиз эса яна 19 нафарга ортди.

Энг муҳими, нобё қобилияти, ақл-идроки ва ишчанлиги билан барчага намуна бўлаётган бундай опа-сингилларимизнинг партиявий сафида кўпайиб бориши гоё ва мақсадларимизнинг келажақда янада кенг қўлоқ ёйишига, халқимиз қалбига чўқуроқ кириб боришига замин яратяпти.

Мансур АСЛОНОВ,
“XXI asr” мухбири

Мухаббат Нусратова ўн йил муқаддам “Яккабоғ” хусусий ишлаб чиқариш корхонасидаги O'zLiDeP бошланғич ташкилоти йиғилишида қатнашган эди. Ушанда эндигина тадбиркорлигини йўлга қўяётган аёл собиқ кўйи бўғин раиси, ҳозирда партия Яккабоғ туман Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, O'zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари Маҳмадали Қулбуловдан йўл-йўриқ ва кўрсатмалар олган эди. Сўнг “Фарход М. Н.” оилавий корхонасига асос солиниб, туманда илк бор миллий кўгирчоқлар тайёрлашни йўлга қўйди. Айни пайтда у кўзга кўринган тадбиркор аёллардан. Корхонасида касб-ҳунар коллежларининг 18 нафар битирувчиси ишлаяпти. Бу ерда 24 турдаги болалар, аёллар, келин-куёвлар либослари тикилиб, корхонага қарашли дўконда сотиляпти.

Мазкур корхонада 10 нафар маслақдошни бирлаштирган БПТ фаолият юритмоқда. Яқинда кўйи бўғиннинг навбатдаги йиғилишида икита масала кўрилди. Маҳлис хулосаларига асосан сафдошлар корхона фаолиятини кенгайтириш

учун банкдан молиявий кўмак олиш ҳамда корхона учун алоҳида бино қурилишига ер ажратилишига ёрдам беришни сўраб, O'zLiDeP туман Кенгаши ва маҳаллий кенгаш депутатларига мурожаат этишди. Ушбу масалалар мутасадди идоралар то-

монидан ўрганилмоқда. – Жорий йилнинг ўтган даврида бошланғич партия ташкилотлари йиғилишларида кўтарилган масалалар юзасидан эллика яқин ёзма ва оғзаки мурожаат келиб тушди, – дейди

Партия давлатнинг ижтимоий соҳага оид сиёсатидаги стратегик устувор йўналиш – инсонга бўлган эътибор ташкил этиши лозим, деб ҳисоблайди. Партия ислохотларнинг барча босқичларида эришилган натижаларни аҳоли фаровонлигининг ўсиши билан баҳолайди.

O'zLiDeP
Дастуридан

Инсон манфаатлари йўлида

O'zLiDeP Бойсун туман Кенгаши фаол бошланғич ташкилотлар билан ҳамкорликда “Истиқлол яратган имкониятлар” номли очик мулоқот ташкил этди. Тадбирда Халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, Фермерлар кенгаши, Қишлоқ ва сув хўжалиги туман бўлими, “Ягона дарча” маркази вакиллари ҳамда бошланғич ташкилотлар етакчилари иштирок этди.

Партия туман ташкилоти аппарати раҳбари Э. Қулмирзаев туманда тадбиркорлар, қишлоқ мулкдорлари синфи шаклланиб, аҳоли фаровонлигини оширишда ўз ҳиссасини қўшаётганини қайд этди. Бундай ютуқларни тарғиб қилишда маслақдошларимиз ҳамда хайрихоҳларимиз фаол бўлиши лозимлигини таъкидлади.

Тадбир якунида тарғибот гуруҳи фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари муҳокама этилди.

Партиявийнинг Наманган туман бўлими илгор бошланғич ташкилотлар билан биргаликда “Катта Тошбулок” МФЙда “Мустақиллик – ифтихоримиз ва келажагимиз” номли давра суҳбати уюштирди.

– Шу кунларда халқимиз мустақилликнинг 25 йиллигини муносиб кутиб олиш ва нишонлаш учун ҳар томонлама тайёргарлик кўрмоқда, – деди партия туман ташкилоти аппарати раҳбари И. Қаюмов. – Жойларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари жадал олиб борилмоқда. Зотан, биз учун энг улғу, энг азиз айём бўлган ушбу кутлуг санани кенг нишонлаш ҳар биримиз учун муҳим вазифага айланган.

Тадбир давомида кўйи бўғинлар етакчилари ҳам сўзга чиқиб, мустақиллик берган неъматлар, тинчликни қадрлаш лозимлиги ҳақида фикр билдиришди.

Ўз мухбиримиз

АНИК САВОЛГА ЖАВОБ

АЪЗОЛИК ВАҚТИНЧА ТЎХТАТИЛИШИ МУМКИН

– Чет элга сафарга кетмоқчиман. Айтинг-чи, бундай вазиятда партияга аъзолик бадали тўлови тўхтатиб туриладими?

Надир Ҳошимов,
Бухоро вилояти, Когон тумани

– Партия Уставида қайд этилганидек, узоқ муддатга хоригга йўл олган партиявий аъзоси бу ҳақда партия туман (шаҳар) Кенгашига ёзма равишда маълум қилиши ва мамлакатимиздан ташқарида бўлган пайтда партияга аъзолик вақтинча тўхтатиб турилишини сўраши мумкин. Қайтиб келганидан сўнг партияга аъзолик тикланади ва бадаллар ихтиёрий равишда тўланади.

(Саволга O'zLiDeP Бухоро вилоят Кенгаши масъул ходими Мавжуда Рашидова жавоб берди)

ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

Жаннатмонанд юртни севиб яшайлик

дейди она табиат
фидойиларидан бири
Абдуқодир Халилов



✓ Китоб тумани қишлоқ хўжалик бошқармасида мўъжазгина ахборот-маслаҳат маркази бор. Бу жойдан китоблик фермерларнинг қадами узилмайди. Абдуқодир Халилов уларга деҳқончилик илми, ерларнинг унумдорлигини ошириш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш, такрорий экин экиш юзасидан тавсиялар беради, тезпишар ва сувсизликка чидамли экинлар уруғини тавсия этади. Қишлоқ хўжалик институтини битириб, соҳанинг турли тармоқларида меҳнат қилган катта агроном бугун бободоҳқонларнинг яқин маслаҳатгўйига айланган.

Жорий йилда тумандаги 349 нафар фермер 3500 гектар майдонга дон экиб, мўл-кўл галла ҳосили олишди. Галладан бўшаган майдонларга мош, маккажўхори, япон жўхориси, қовоқ, Сербия кунгабоқари ва бошқа озукабон экинлар экиш бошлаб юборилди. Бу миллиардлаб фойда деганидир.

— 2008 йили Юртбошимиз Қашқадарёга ташрифи пайтида фермерлар билан бўлган мулоқотда галладан бўшаган майдонларга озукабон экинлар экиш орқали чорва озукасини кўпайтириш юзасидан қимматли фикрлар билдирган эди. — дейди туман ҳокими, Халқ депутатлари туман Кенгаши депутати, Узоқ Худойкулов. — Мамлакатимиз раҳбарининг тавсия ва кўрсатмалари асосида галладан бўшаган барча майдонларга такрорий экин экиш тажрибасини кўллай бошладик. Бу туман иқтисодини юксалтириш, аҳоли фаровонлигини оширишга салмоқли ҳисса бўлиб кўшилди. Аммо ёз ойларида сув танқислиги боис сувсиз-

ликка чидамли экинлар уруғини топиш ва уларни экиш технологияси жуда зарур эди. Бу борада Абдуқодир аканинг “Халилов Азамат” уруғчилик маркази ишмизни ривожлантиришга яқиндан ёрдам берапти. Бу инсоннинг жонкуярлиги, доимо янги ташаббуслар билан чиқишига кўпчилиكنинг ҳаваси келади.

Ҳар бир тумanning ички имкониятлари бор. Улардан самарали фойдаланиш аҳоли бандлиги ва фаровонлигини оширади. Шу жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, иқтисодчи-агрономнинг кашфиётлари эл фойдасига хизмат қилаяпти. Фермердан 1 гектар ер олиб, маккажўхори эккан миришкор 8 тоннадан ошириб дон ва 40 тоннагача қўқ масса олаяпти. Абдуқодир ака нафақат туманимиздаги, балки Ғузор, Қамаш, Яқкабоғдаги фермерлар билан ҳам яқин ҳамкорлик қилаётди.

Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг Қашқадарё илмий-тажриба станцияси катта агрономи Аб-



дуқодир Халилов полиз, картошка, озукабон экинлар ва гуллар уруғини ўз тажриба майдончасида синаб кўриб, мамлакатимиз иқлимга мосларини кўпайтириш ва туманларга тарқатиш билан шуғулланаётганига кўп бўлди. Украинанинг “Элисон Насинная” компанияси элликдан ортиқ мамлакатларга савзавот ва гул уруғлари етказиб беради. Ҳамкорлик натижасида бу компаниядан атиргул, лола, чиннигул, гладиолус, хризантема уруғлари келтирилиб, ташкилотлар ва аҳолига тарқатилаяпти. Бугун Китоб, Шахрисабз шаҳарлари ва юқорида тилга олинган туманлар кўчаларига гўзаллик ва нафосат бағишлаб турган бундай бетакорор ва анвойи гул-

лар ана шу фидойи инсоннинг меҳнати самарасидир.

Туман қишлоқ хўжалик бошқармаси ҳовлисида мош, қовоқ, жўхори ва озукабон экинлар, гуллар ўстирилиб, тажриба қилинар экан. Агроном фермерлар билан бўлаётган мулоқотларда мунтазам иштирок этиб, мош, қовоқ ва маккажўхори етиштириш бўйича иқтисодий самарадорлик технологиясини тушунтирмақда.

Яқинда мазкур институт директори, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Рафиқ Ҳакимов Китобга келиб, воҳа фермерлари билан учрашди. Мулоқот чоғида боғдорчилик, чорвачилик, узумчилик ва сабзавотчилик истиқболлари ҳақида сўз борди. Замонавий технология келтириб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва уларни хорижа экспорт қилишни йўлга қўйган кўп тармоқли фермер хўжаликлари раҳбарларининг иш тажрибасини оммалаштириш борасида янги-янги таклифлар ўртага ташланди. Қишлоқ мулкдорлари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

“Пахтаобод” қишлоқ фуқаролар йиғини худудидаги Кўмиртепа қишлоғида яшовчи фермер Фарҳод Раҳматов Абдуқодир акани ўзига устоз деб билади. Унинг айтишича, устозининг маслаҳатларига амал қилганлиги боис йил сайин

хўжалигининг даромади ортиб борапти. “Дўстбой чорва” фермер хўжалиги бу йил 40 гектардан мўл-кўл дон ҳосили етиштириб, ўрим-йиғим ишларини тугаллаган. Ҳозирги кунда бўшаган экин майдонларига мош экиш бошлаб юборилган. Экинлар олдин ер сўғорилиб, чўқур ҳайдалади ва мош экилади. Шундан сўнг сўғорилмаса ҳам ернинг намида мош яхши етилади. Ер чўқур ҳайдалгани учун бегона ўт кўркаммайди. Сув танқис бўлган ерларда бундай деҳқончилик яхши самара беради. Галла майдонларидан бўшаган майдонларга экинлар уруғ 60-65 кунда пишиб, етилади. Ҳар гектар ердан 600 килограммдан 1 тоннагача ҳосил олиш мумкин. Кетган харажатни қўйлар учун яхши озукабон мош хашагини сотиб ҳам қоплаш мумкин. Мош ер танламайди, аксинча, у қарга экилса, ўша ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилайдди. Аниқроғи, вегетация даврида 1 гектар ерга 50-100 килограммдан биологик азот ва органик модда тўплайди.

Чорвачиликни ривожлантиришда уч муҳим омилга эътибор қаратиш зарур. Шулардан бири озукабон базасини яхшилашдир. Ана шунда чорва молларининг маҳсулдорлиги ортади. Туманда 200 бош наслдор қорамол бор. Уларни сершира ва тўйимли озукабон таъминлаш учун маккажўхори, япон жўхориси, қизил лавлага, судан, хашаки нўжат, лавла-

ги такрорий экин сифатида экилиб, мўл ҳосил олинапти. Кўпчилик оилалар фермерлардан ижарага олинган ерда такрорий экин етиштириб, яхшигина даромад олаяпти. 1 гектар жойга япон жўхориси экилса, 4 минг дона супурги, 3-4 тонна дон, 40 тонна поя олиш мумкин. Оддий маккажўхоридан эса гектарига 6-8 тонна ҳосил кўтарса бўлади.

— Ишонасизми, кейинги сафар келганимизда насиб этса сизни туяқуш ва лама кийиклари боқилаётган жойга олиб бораман, — дейди Абдуқодир Халилов. — Шартномаларни тайёрлаб кўйдик. Яқин кунларда хориждан олиб келамиз. Лама бизнинг иқлимимизга тез мослашар экан. Туяқушларни боқиш учун махсус жой тайёрланган. Туман ҳокимлиги билан келишган ҳолда худудда экотуризмни ривожлантириш дастурини ишлаб чиққанмиз. Унга асосан дунёнинг турли бурчакларидан ноёб жониворларни олиб келиб, парвартилаймиз. Ҳозирда мослашувчан қушлар ва жониворлар сараланапти. Ишонманки, туманимизга келиб, бу ажойиботларни томоша қилган хорижлик сайёҳлар дунёда шундай мўъжазакор мамлакат борлигини кўриб, ҳайратланишади. Ҳаётда мўъжазлар кўп, фақат уларни илгаш ва тушуниш керак.

Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI asr” мухбири

ТАҲРИРИЯТ ПОЧТАСИДАН

Қўшработ туманида фаолият юритаётган “Темуришох” фермер хўжалиги ташаббуси билан жорий этилган янгилик худуддаги қишлоқ мулкдорларида қизиқиш уйғотди.

— Шу йил бошида аъзоларимиз билан хайрли бир ишга бел боғлаб, ниҳоят, уддасидан чиқдик, — дейди мазкур хўжалик раҳбари Раҳимиддин Дўстмуродов. — Бизнинг жойларда сув танқис. Шу боис 4 гектар боғимиздаги дарахлар, тоқларни томчилатиб сўғоришни режалаштирдик. Мақсадимизни O'zLiDeP туман Кенгашига етказ-

дик. Кенгашдагилар қуёш батареялари олиб келиб, ўратилишда амалий кўмак беришди. Ўттиз миллион сўмга харид қилинган, электр ёрдамида ишлаётган насослар орқали боғни сўғориш имкониятига эга бўлдик. Ҳисоб-китобларга қараганда, бу йилги даромадимиз камидан 15-20 фоизга кўпаяди. Яна бир эътиборли жиҳати, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидан икки нафари доимий иш билан таъминланди.

Муҳаббат РАВШАНОВА,
“XXI asr” мухбири

O'zLiDeP Миробод туман Кенгаши томонидан ўтказилган давра суҳбати мавзуси “Гўзал ва бетакороримсан, муқаддас Батаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним” шириннинг мазмун-моҳиятига бағишланиб, унда парламент қўйи палатасидаги партия фракцияси аъзолари, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, бошлангич партия ташкилотлари ҳамда тадбиркорлар қатнашди.

— Истиқлол йилларида юртимизда ижтимоий-иқтисодий соҳада салмоқли ютуқларга эришилди, — дейди O'zLiDeP Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Тўрабек Назаров. — Хусусан, жаҳонда глобал молиявий-иқтисодий инқироз давом эта-

ётганига қарамастан, республикамиз иқтисодиёти изчил ва барқарор ўсиб, халқимизнинг турмуш фаровонлиги йил сайин юксалиб бормоқда. Энг асосийси, юртдошларимизнинг руҳи баян, эртанги кунга ишончи мустаҳкам. Бир сўз билан айтганда, мустақилликнинг илк кунлариданоқ давлатимиз томонидан инсон манфаатларига олий қадрият сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тадбир якунида партия сафига қабул қилинганларга аъзолик гувоҳномалари ҳамда бир гуруҳ фаолларга ташаккурнома ва эсдалик совғалари топширилди.

Ўз мухбиримиз

O'zLiDeP Мирзаобод туман Кенгаши Ёшлар қаноти томонидан “Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда истиқлол йилларида эришилган ютуқлар, айниқса барқамол авлодни тарбиялаш йўлида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар хусусида сўз юритилди.

Ўтган йилларда шаҳару қишлоқларимизнинг қиёфаси тубдан ўзгарди, — дейди Халқ депутатлари Мирзаобод тумани Кенгаши депутати У. Тошмуратов. — Кўчаларимиз кенг ва раvon, иморатларимиз янгича қиёфа

касб этмоқда. Бундай имкониятлардан унумли фойдаланиш ва юрт тақдирини дахлдорлик ҳисси билан яшаш ҳар биримизнинг вазифамиз бўлиши керак.

Тадбирда сўзга чиққанлар, мустақилликнинг қадрига етиш, буни ёш авлод онгига сингдириш, хавфсизлигимизни таъминлашда ҳар бир фуқаро масъуллиги ҳақида ўз фикр-мулоҳазасини билдиришди.

Хусан ЖАББОРОВ,
O'zLiDeP Сирдарё вилоят
Кенгаши Ёшлар билан ишлаш
бўлими бошлиғи



Истиқлол йилларида мамлакатимизда қишлоқлар қиёфасини янада кўркамлаштириш, намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар барпо этиш борасида муайян ютуқларга эришилди.

Уйлар муборак!

Хусусан, бугунги кунда Тошкент вилоятидаги 19 та даҳада “Қишлоқ қурилиш инвести” ишчилик компаниясининг худудий бўлини маси мутахассислари томонидан 1 минг 203 та уй-жой қурилмоқда. Масалан, Зангиота туманидаги “Туркистон” ҚФЙ худудидан 32 та, “Ҳасанбой” ҚФЙдан 168 та, “Хонобод” ҚФЙдан 200 та уй барпо этиляпти.

Аваз Сатимов раҳбарлигидаги “Реал қурилиш” МЧЖ бунёдкорлари ақидан 24 та 4 хонали уй-жойни эгаларига топширишди. Шунингдек, Анвар Алжонов бошчилигидаги “Агроқурилиштаъмир” хусусий фирмаси жамоаси ҳам 24 та иморатни қуриб битказишди.

— Ишчи-хизматчиларнинг унумли меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароит яратилган, — дейди “Агроқурилиштаъмир” фирмаси иш бошқарувчиси Ҳамиджон Маширабов. — Уларга уч маҳал иссиқ овқат берилиб, махсус кийим-бош билан таъминланган. Иш ҳақи ўз вақтида тўланапти. Қисқаси, намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уйлар талаб даражасида тикланиши, ўз вақтида фойдаланишга топширилиши учун барча имкониятлар етарли.

Юнусали ОЧИЛДИЕВ

Маслакдошимиз — сайил ғолиби

Унда вилоятнинг 161 та фермер хўжалиги томонидан етиштирилган 1 минг 520 тоннадан зиёд қовун-тарвуз, оилавий пудратчиларнинг 2 минг 300 тоннага яқин шифобахш асали кўргазма савдога қўйилди. Айниқса, қовунларнинг амири, темиртирноқ, бўриқалла, кампирчопон, шерози, баргинай, гулоби каби 40 га яқин навлари кўпчилиكنинг диққатини ўзига тортди.

Шу ўринда айтиш жоизки, Пешку туманида қовуннинг унутилаёзган навларини қайта тиклашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тумандаги 274 та фермер хўжалигида, айниқса, партия аъзолари етакчилиги қилаётган “Фаттоев”, “Хастанпур”, “Малишояк” фермер хўжаликларида худуд имкониятларидан етарли фойдаланилаётгани муваффақият омил бўлмоқда.

Тумандаги “Истиқбол” ҚФЙда 15 мингга яқин аҳоли яшайди. Уларни худудда фаолият кўрсатаётган 46 та фермер хўжалиги мева, сабзавот ва полиз маҳсулотлари билан таъминламоқда. Жумладан, партия миз аъзолари — Маҳкам Жабборов, Фазлиддин Тожиёв, Жалил Ҳайдаров етакчилигидаги “Вали Жаббор”, “Эгамобод Амр Дилшодбек”, “Ҳайдаров” сингари фермер хўжаликлари 31 гектар ерда қовун етиштириб, мўл



ҳосил олишмоқда. Сайилда улар томонидан 60 тоннадан кўпроқ тилими тилни ёрар қовунлар бозор баҳосидан арзон нархларда сотилди.

Вилоятнинг Қорақўл, Бухоро, Ромитан, Жондор ва бошқа туманларидаги пешқадим фермер хўжаликларида етиштирилган қовун-тарвуз, мева-чева ва полиз маҳсулотлари ҳам ўз сифати ва харидорлиги билан ажралаб турди.

Сайил натижаларига кўра, O'zLiDeP аъзоси Муҳаммад Аҳмедов раҳбарлик қилаётган Бухоро туманидаги “Маданият Муҳаммад боғи” фермер хўжалиги ғолиб топилиб, юк ташиш мотоцикли билан тақдирланди.

Шунингдек асал етиштиришда юқори натижаларга эришган пешқадим Истам Қулжонов, қорақўллик Зариф Қодиров, ғиждувонлик Жасур Қурбонов юқори ўринни қўлга киритишди.

Ғолибларга қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Асхор ИСТАМОВ,
“XXI asr” мухбири

✓ Мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган йиллик электр энергияси ҳажми 55 миллиард кВт. соатдан ортиқ бўлиб, шундан умумий қувватнинг 9 фоизи ГЭСлар, 89 фоизи эса иссиқлик электр станциялари улушига тўғри келади. Маълумки, бугунги кунга келиб, аҳолининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини қондириш, ҳар томонлама қулай электр узатиш тизимини ишлаб чиқиш долзарб вазифага айланган.

Таъминот барқарор бўлади

Миллий матбуот марказида “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамияти томонидан “Мустақиллик йилларида аҳолини узлуқсиз электр энергияси билан таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар, белгиланган чора-тадбирлар, эришилган натижалар” мавзусида ўтказилган матбуот анжуманида айни шу масалаларга эътибор қаратилди.

— Аҳолининг электр энергияси истеъмолига бўлган эҳтиёжи кундан-кунга ортиб бормоқда, — дейди “Ўзбекэнерго” АЖнинг Электр тармоқларидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Улуғбек Ҳакимов. — 2000 йилда битта хонадонга ойига ўртача 114 кВт. соат электр истеъмоли тўғри келган бўлса, 2015 йилга келиб бу кўрсаткич 160 кВт. соатга кўпайди, яъни талаб 35 фоизга ошди. Бундан кўриниб турибдики, бизнинг олдимизда турган асосий масала электр энергетика соҳасини босқичма-босқич ривожлантириш, узатиш ва сотиш тизимида жаҳон тажрибаларига мос иқтисодий ислохотларни амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланилган ҳолда замонавий лойиҳаларни амалиётга жорий этишдан иборатдир.

Севара АЗИМОВА,
“XXI asr” мухбири

КЎЗГУ

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Сифат – маҳсулот кафолати

✓ Тошкент вилоятининг саноатлашган ҳудуди бўлмиш Олмалиқ шаҳрида сўнгги йилларда кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг сони ҳам ортиб бормоқда. Масалан, ўтган йилда мазкур шаҳарда мингга яқин хусусий сектор фаолият кўрсатган бўлса, жорий йилда уларнинг сони 1 минг 400 тага өтди.

Хизматлар лицензияланган

Айниқса, ишбилармон ёшларнинг кўпайиб бораётгани янада қувонарлидир. Бугун Олмалиқда бўлган киши тўқинлик, ободлик гувоҳ бўлади. Чунки маҳаллий тадбиркорлар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар наинки шаҳарнинг дўкон ва бозорларига, ҳатто қўшни Пискент, Оҳангарон туманлари, Ангрэн, Тошкент шаҳарларига ҳам етказиб берилаяпти.

– Сифат – маҳсулот ва хизматнинг бош мезонидир, – дейди “Олмалиқ синов ва сертификатлаштириш маркази” давлат корхонаси директори Акбар Мирзаханов. – Бугун бирор тадбиркор йўқки, ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг сифати ҳақида қайгурмас. Чунки бозор, рақобат муҳити шунини талаб қилади-да! Узоққа бормайлик, ўтган йили шаҳримизда ўртача 500 дан ортиқ турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, бугун уларнинг сони анча кўп. Тадбиркорларни айтимайсизми, бири-бирдан билимдон, ишбилармон,

ҳатто бир неча тилда гаплашишади. Корхонамизга ишлаб чиқарган маҳсулотларини синовдан ўтказиш, мувофиқлик сертификати олиш мақсадида келаётган тадбиркорлар фақат бугунки эмас, узоқни ўйлаган ҳолда, мустақил маркетинг тадқиқотлари асосида иш бошлаганига гувоҳ бўламиз.

Ўз навбатида, мутахассисларимиз уларга яқиндан кўмак беришмоқда. Шунингдек, божхона, солиқ, молия органилари, Фермерлар кенгаши, Савдо-саноат палатаси вилоят бўлими ходимлари билан ҳамкорликда учрашувлар ташкил этаяпмиз. Унда тадбиркор ва ишбилармонларимиз маҳсулот ва товар сифати, экспорт ва импорт маҳсулотлар учун қўйиладиган талаблар, соҳани ривожлантириш хусусида маълумот олишяпти.

Албатта, ички истеъмол бозорига сифатли маҳсулот бўлиши, истеъмолчи манфаатини ҳимоя қилиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъмин-

лашга эришишда синов ва сертификатлаштириш марказлари лабораторияларини замонавий ускуналар, малакали мутахассислар билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Марказимиз, асосан, Олмалиқ, Ангрэн шаҳарлари, Оҳангарон, Пискент ва Ўрта Чирчиқ туманларида жойлашган корхона ва тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатади. Жорий йилнинг ўтган 7 ойи мобайнида 5 минг 599 та, Ҳамдўстлик мамлакатларининг мувофиқлик сертификатларини эътироф этиш (тан олиш) йўли билан эса 236 та мувофиқлик сертификати расмийлаштириб берилди.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги “Товарларни электрон шаклда божхонада расмийлаштириш жараёни тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида импорт маҳсулотларга расмийлаштирилган мувофиқлик сертификатларини “Товарларни божхона экспертизаси” автоматлаштирилган ахборот тизимига киритиш тартиби ҳам жорий этилди. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида 1 минг 209 та сертификат автоматлаштирилган ахборот тизимига жойлаштирилди. Марказ фаолияти асосан истеъмолчилар манфаати ҳимоясига қаратилгани боис, сертификатлаштирилган маҳсулотлар устидан инспекция назорати ҳам ўтказилади.

Ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологиялар жалб этилиб, уларни малакали ёш мутахассислар бошқараётгани ҳам маҳсулот сифатини оширмоқда. Шунинг учун ҳам олмалиқлик тадбиркорлар ишлаб чиқараётган маҳсулотларга нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам талаб юқори. Бунга корхоналарда ISO-9001 сифатни бошқариш тизимининг жорий этилаётгани муҳим омил бўлмоқда.

– Марказимиз томонидан ҳудудимиздаги корхоналарда сифат тизimini жорий этиш бўйича бир қанча ишлаб амалга оширилмоқда, – дейди марказнинг бўлим бошлиғи Равшан Ботиров. – Масалан, “Yangi – Angren IES”, “Angren IES” акционерлик жамиятлари, “EGL – NUR” МЧЖ хусусий корхонаси, “Bricket Coal Standart” шўъба корхонаси, “Angren meat milk” МЧЖ каби корхоналарда сифатни бошқариш тизимлари жорий этилаётган бўлса, бир қатор санойт корхоналарида ISO – 14001 ва OHSAS – 18001 стандарти талабларига жавоб берадиган интеграллашган сифат тизимлари йўлга қўйилди.

Бу эса маҳсулот сифатини таъминлаш, истеъмолчи манфаатини ҳимоялашда муҳим аҳамиятга эга.

Зиёдулла МҲМИНОВ
“XXI asr” мухбири



Муҳтарам юртдошлар! Газетамизнинг ушбу сонидан бошлаб ҳуқуқий мавзуга оид савол-жавобларни мунтазам чоп этишни режалаштирдик. Сиз ўзингизни қизиқтирган саволлар ва ечим излаётган айрим муаммолар хусусида таҳририятимизга мактуб (Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 73А-уй) йўллашингиз, кўнғироқ қилишингиз (0-371-215-63-80, 255-64-80) ёки газетамизнинг электрон манзили (xxi_asr@mail.uz) га ўз мурожаатингизни юборишингиз мумкин.

ЎГЛИМНИНГ ПЛАСТИК КАРТОЧКАСИ

ундан мен ҳам фойдаланишим мумкинми?

– Яқинда бир зарурат юзасидан банкка келишимнинг пластик карточкаси ва паспортини олиб борсам, банк ходими: “Ҳар қандай операцияни амалга оширишда пластик карточканинг ҳақиқий эгаси ўзи келиши керак”, деди. Шу тўғрисида?

А. Ҳамидова,
Навоий вилояти



– Марказий банк Бошқарувининг 2004 йил 21 февралдаги қарори билан тасдиқланган “Тижорат банклари томонидан банк карточкалари чиқариш ва уларни Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиш тартиби тўғрисида”ги низомнинг 7-банди “а”-кичик бандига асосан шахсий банк карталарини бошқа шахслар (оила аъзолари, дўстлар ва бошқалар) ишончномасиз фойдаланишлари мумкин.

Бундан кўринмоқдаки, ўглингиз ёки келиннгизнинг банк пластик картасидан ишончномасиз фойдаланишига ҳақлисиз. Лекин банк муассасаларидаги операциялар бундан мустасно. Чунки банк муассасалари банк операцияларини амалга ошириш билан шуғулланганликлари сабабли барча операциялар мижознинг шахсан иштироки билан шахсни тасдиқловчи ҳужжат асосида ёки банк пластик картаси эгаси томонидан фойдаланувчи номига белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома асосида амалга оширилади. Бу ҳолатда банк ходими қонун доирасида жавоб берган.

ОТА-ОНАМ ОЛИБ БЕРГАН УЙ

Уни сотиш учун турмуш ўртоғимнинг розилиги шартми?

– Турмуш ўртоғим ўн йилдан буюн қамоқ жазосини ўтамоқда. Икки қизим бор. 2013 йилда ота-онам менга ўз маблағи ҳисобидан бىр хўжалиқ уй олиб берган эди. Яқинда турмуш ўртоғим билан қонуний тартибда ажрашдик. Айтинг-чи, мен ушбу квартирани сотмоқчи бўлсам, эримнинг розилиги талаб қилинадими?

Н. Пардаева,
Тошкент шаҳри



– Оила кодексининг 23-моддаси биринчи қисмига кўра, эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек, никоҳ қайд этилганга қадар бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади.

Мазкур кодекснинг 24-моддаси тўртинчи қисмига кўра, эр (хотин) ўзининг номига расмийлаштирган умумий кўчмас мол-мулкни тасарруф этиш бўйича битим тузиши учун хотин (эр)нинг нотариал тартибда тасдиқланган розилигини олиши лозим.

Шунингдек, ушбу кодекснинг 25-моддаси биринчи қисмига асосан эр ва хотиннинг никоҳга қадар ўзига тегишли бўлган мол-мулки, шунингдек, улардан ҳар бирининг никоҳ давомида ҳада, мерос тариқасида ёки бошқа бепул битимлар асосида олган мол-мулки улардан ҳар бирининг ўз мулки ҳисобланади.

Ушбу ҳолатда уй-жой сизга қандай битим асосида расмийлаштирилганлиги муҳим. Агар уй-жой никоҳ даврида сизнинг номингизга сотиб олинган бўлса, уни сотиш учун собиқ турмуш ўртоғингизни нотариал тасдиқланган розилиги олиниши лозим. Агар уй-жой ҳада ёки бошқа бепул битимлар асосида олинган бўлса, бунда розилик талаб этилмайди.

ЁШ БОЛАЛИ АЁЛМАН

– Икки ярим ёшли фарзандим бор. Оилавий шароит тақозоси туфайли ўз йўналишим бўйича ишга қирмоқчиман. Саволим, ёш болали аёлларни ишга қабул қилишда дастлабки синов қанча муддатга белгиланади?

Б. Одилова,
Яккабў тумани

– Меҳнат кодексининг 84-моддаси учинчи қисмига биноан, ҳомиладор аёллар, уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар, корхона учун белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга юборилган шахслар, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ҳамда олий ўқув юрталарининг тегишли таълим муассасасини тамомлаган кундан эътиборан уч йил ичиде биринчи бор ишга қираётган битирувчилари ишга қабул қилинганда, шунингдек, ходимлар билан олти ойгача муддатга меҳнат шартномаси тузилиб, ишга қабул қилинганда дастлабки синов белгиланмайди.

Ушбу меъёрлардан кўриниб турибдики, сизни ишга қабул қилишда дастлабки синов қўлланилмайди.

ЭРИМ ТАЪМИНОТДАН БОШ ТОРТДИ

– Тақдир экан, турмуш ўртоғим билан ажрашдик. Икки нафар фарзандим мен билан бирга яшайди. Собиқ эрим аввалига болаларининг таъминоти учун қарашиб турди. Лекин бир ярим йилки, қарашибдан бош тортаяпти.

Илтимос, алиментни суд тартибиде ундириш ҳақида батафсил маълумот берсангиз.

Л. Қурбонова,
Денов тумани

– Оила кодексининг 136-моддасида алиментни суд тартибиде ундиришга оид меъёрлар белгиланган. Унга асосан, алимент олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс, алимент талаб қилиш ҳуқуқи вужудга келгандан сўнг қанча муддат ўтгандан қатъи назар, хоҳлаган вақтда алимент ундириш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

Мазкур шахс, низо бўлмаган тақдирда, вояга етмаган болалар учун алимент ундириш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этишга ҳақли бўлиб, бу ариза буйруқ тартибиде иш юритиш тартибиде кўриб чиқилади.

Алимент судга мурожаат этилган пайтдан бошлаб ундирилади. Агар таъминот учун маблағ олиш чоралари судга мурожаат қилинганга қадар қўрилганлиги, аммо алимент тўлаши шарт бўлган шахсининг уни тўлашдан бош тортганлиги оқибатида алимент олинмаганлиги суд томонидан аниқланса, ўтган давр учун алимент судга мурожаат этилган пайтдан бошлаб уч йиллик муддат доирасида ундириб олиниши мумкин.

Саволларга Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти суди судьяси Сайёра ҚОШАЕВА жавоб берди.

Янги интернет телерадиоканал



✓ Янги Teleradio.uz лойиҳаси теле ва FM станцияларидан холи бўлган интернет тармоғидаги мустақил телерадиодастурларни ўз ичига олади.

Диёримиз миллий интернет журналистикасининг навбатдаги ютуғи саналмиш Teleradio.uz онлайн оммавий ахборот воситасининг асосий мақсади интернет тармоғида веб-сайт орқали тезкор ва холис ахборотларни 7 дан 70 ёшгача бўлган кенг жамоатчиликка ранг-баранг шаклда етказиб беришдан иборатдир.

Янги канал орқали кинофильмлар, мусиқий кўнгилочар дастурлар, тезкор хабар ва воқеалар ҳамда лойиҳалар намойиш этилади. Ушбу канал, шунингдек, маънавий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий, оммабоп кўнгилочар йўналишдаги дастурлар билан фуқароларимиз, айниқса, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ва фойдали ўтказишга кўмаклашади.

“Келажак телерадиоси” – шiori остида Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги муносабати билан ўз фаолиятини бошлаган teleradio.uz интернет канали дастурларини ўзбек тилида кечаю-кундуз узлуксиз вақт режимида дунё бўйлаб томоша қилиш мумкин.

Ўз мухбиримиз

Экологик экспертиза зарурати

✓ Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ташаббуси билан Тошкент шаҳар ҳокимлигида салбий экологик таъсирларнинг олдини олиш учун корхона ва ташкилотлар фаолиятини давлат экологик экспертизасидан ўтказиш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда манфаатдор идоралар вакиллари, тадбиркорлар ва талабалар иштирок этди.

Мутахассислар мамлакатимизда тегишли қонун ҳужжатларига асосан ҳўжалик ва бошқа турдаги фаолиятни амалга оширишдан аввал унинг экологик талабларга мувофиқлигини аниқлаш мажбурийлиги, белгиланган экологик меъёрларга қатъий амал қилиш лозимлиги, давлат экологик экспертизасининг ўтказилиши қоидалари, унинг

объектлари ва турлари хусусида атрофлича сўз юритдилар.

– Режалаштирилаётган фаолиятнинг экотизим, техносфера элементлари, инсон саломатлигига таъсирини олдиндан кўра билиш муҳим, – деди ўз сўзида қўмита катта мутахассиси Азизбек Калимбетов. – Зеро, касални давола-

гандан олдини олган афзал. Шу боис экологик экспертиза атроф-муҳитга зиён етказмаслик борасидаги давлат сиёсатининг асосий воситаларидан ҳисобланади.

Мулоқотда қайд этилганидек, инсон саломатлигига таъсир этувчи омилларнинг 20-25 фоизи атроф-муҳит билан боғлиқ. Атмосфера ҳавоси ва сувнинг ифлосланиши, тупроқ деградацияси, зарарланган муҳитда етиштирилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари саломатлик учун хавф тугдиради. Бинобарин, экологик хавфсизликни таъминловчи комплекс чора-тадбирларни амалга жорий этиш, фуқароларнинг бу борадаги билимларини изчил ошириб бориш ҳаёт заруратиدير.

Сардор ТУРОБОВ

ТАДБИР

Ойлик давом этмоқда

Маълумки, мустақиллигимизнинг 25 йиллиги шодибенасига бағишлаб юртимизнинг турли шаҳар ва туманларида байрамолди тадбирлари бўлиб ўтмоқда. Ушбу қутлуг сана муносабати билан “Ўзстандарт” агентлиги давлат корхонаси ташаббуси билан республикамиз бўйлаб “Сифат ойлиги” ўтказилмоқда. Жумладан, Тошкент вилояти Бекобод шаҳрида ҳам мазкур ойлик доирасида “Бекобод синов ва сертификатлаштириш маркази” давлат корхонаси томонидан шаҳрининг эътиборга молик жойларида

сифат ойлигига тааллуқли шior ва плакатлар қўйилди. Бундан кўзланган асосий мақсад ҳалқ ҳўжалиги, саноат ва кичик бизнес субъектларида сифат кўрсаткичларини яхшилашга эришишдир.

Шунингдек, корхонамиз бу йилда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ISO – 9001 халқаро стандартлари асосида сифатни бошқариш тизимларини жорий этишни режалаштириш, стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва сифат тизимлари соҳасидаги

Ўзбекистон Республикаси қонунлари ижросини мустаҳкамлаш, олий ўқув юрти ва коллежларини стандартизация, метрология ва сифат тизимлари йўналиши бўйича тамомлаётган битирувчиларни ишлаб чиқариш ва саноат тармоқларига ишга жойлаштириш, шаҳар ва туман экспорт салоҳиятини юксалтиришда маҳсулотлар сифати ва рақобатбардошлигини ошириш, миллий стандартларни жаҳон стандартларига уйғунлаштириш борасида амалий ишлар олиб бормоқда.

Жаҳон амалиётда мулкчилик

шаклидан қатъи назар, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш соҳасида тизимли сифат назоратини жорий этиш Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (ISO) томонидан ISO – 9001 серияда халқаро стандарт тарзида рўйхатга олинishi белгиланган. Стандартта Германия, АҚШ, Франция, Япония, Италия каби йирик ривожланган давлатлардаги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаси эгаларининг ички стандартлари ва тажрибалари асос қилиб олинган.

Бугунги кунда “Ўзстандарт” агентлиги давлат корхонаси Халқаро стандартлаштириш ташкилоти билан ҳамкорликда изчил фаолият олиб бормоқда.

Жамшид ҒАНИЕВ,
“Бекобод синов ва сертификатлаштириш маркази” давлат корхонаси директори

МОҲИЯТ

Раҳмон ҚўҶҚОР,
адабиётшунос:

...Шаҳар марказидаги номдор туғруқоналардан бири. Деярли ҳар кун унинг дарвозаси олдида хориждан келтирилган, раҳматли ширимиз Жуманиёз Жабборов ибораси билан айтганда, "ёнингдан бир кун ўтадиган" лимузинлар қаторлашади. Улар оралаб бири рус мультфильмидаги Машанинг, бошқиси Маймоқвойнинг, яна бири океан ортидаги Микки Мауснинг пўстинини кийиб олган кимсалар одамларни томошага чорлайди. Бир ёнда сураш ва видеочилар хизматга шай. Ниҳоят, камида бўлгуси мутафаккирни дунёга келтириб қўйган келинбола остонада ийманибгина пайдо бўлади. Бу "тариҳий ҳодисанинг сабабчиларидан бири" бўлмиш кувёбола қўлидаги қимматбаҳо гулдаста билан уни муборакбод этади. Кейин бахтиёр ота-она, қуда-анда қутлови, дугона, опа-сингиллар "чмоки-чмоки" ва ҳрказо.

Кейин бўлса... туққан онаси ва доя хотиндан бошқанинг назари тушмаган, чилласи эндигина кирган, капалақдан-да нозик гўдак ва эрининггина хасми ҳалолли бўлмиш келин юзлаб ёт нигоҳлар қузатувидеа боғли лимузинга чиқарилади. Бу лимузин деганимиз эса... Унинг янгисини хориждан олиб

келиб, мана бундай йўл билан пулини чиқариб олишни биров ҳаёлига келтирмаслиги аниқ. Демак, ҳар қанча ялтирамасин, ювиб артилмасин, бу уловларнинг бари "б/у", яъни обдон ишлатилган матоҳлардир. Ишлатилганки... Кенг-каври, деворига спиртли ичимликлар ва финжонлар териб ташланган машина салоида дунёнинг қай

елка қисади бу томошага пул сарфлаётган "бахтиёр оила вакиллари", — ахир бу ҳам бир удум-да ҳамма шундай қиялпти, биз қилмасак, маҳалла-қўй нима дейди, одамлар нима дейди?.."

Ўн беш дақиқага қолиб-қолмай, бу оила кузатилади-ю навбат бошқа бахтиёр келади. Маша, Маймоқвой ва Микки Маус яна орқасини лиқиллатишга тушади.

Сал ўзини билган, Фафур Гуломни ўқиган одам қулоғига эса уларнинг на ўзбекча, на русчага ўхшайдиган алжирашлари бир бўлиб яна ўша олис ва ўлмас оҳангни етказди: "Оломондан айланай, оломондан ўргилай..."



бир ерида, қай бир мардум не билан шуғуллангану улардан не излар қолган — ёлғиз Яратганга аён... Гапга чечан бир ақли пеш оғзимизга уришга шошаётганини ҳам сезиб турибмиз. "Биласми, бу машиналар роса ювиб тозаланади, химчисткадан ҳам чиқарилади, ака!" дея. Биламиз, айтганингизга ишонамиз ҳам. Бироқ бизда "Тоза бошқа, ҳалол бошқа" деган эътиқод бор. Дунёда шундай нарсалар, кирдикорлар борки, уларни тозалаш мумкин, ҳалоллаб бўлмайди. Бошқача айтганда, у гўборларни "химчистка" кетказмайди!

Бироқ... "Бироқ нима ҳам қилардик, — дея

Деярли ҳар биримиз бунга ўхшаш манзаралардан мисол келтиришимиз мумкин. У мисоллар эса бизни жиддий мушоҳададан толдирмаслиги, эртанги кун ҳақида ўйлатмаслиги мумкин эмас. Бузгунчи даъватларга учмайдиган, каттадир-кичикдир ҳар бир масала-муаммога кўзини очиб қарайдиган, наинки мустақил фикри ва ҳаётий аъмолига эга, балки уларни қатъий ҳимоя қила оладиган шахсга, шахсларга айлана олсаккина мамлакат истиқлолини ҳам, юртдошларимиз қалб истиқлолини ҳам асрай оламиз.


XXI АСР қаҳрамонлари

«Давом. Бошанин 1-савиғада»

Ўша кун бутун маҳалламиз билан бирга телевидорда томоша қилиб ўтирган эдик. Ҳаёлим жойида эмасди. Нима бўлсаям ўғлимнинг бирор жойи лат эмасин-да, шунча элдошлари дуо қилиб ўтирибди, э, Худойим ўзинг қўлла, дейман, ич-ичимда. "Дирбек Урозбоев бронза медалчини қўлга киритди!", деган сўзларни эшитиб, йиғлаб юбордим! Қўни-қўшнларим, қариндош-уруғлар бизни кучоқлаб табриклашди. Дунёга сизга кетдим. Президентимизга, уларни қўллаб-қувватлаб турган мухлисларга, фидойи устозларига мингдан минг раҳмат!

Бундай самимий дил сўзларини мураккаб ва мурасасиз, оғир кечган беллашуларда матонат кўрсатиб, алоҳида таъкидлаш керакки, она Ватанимиз мустақиллигининг чорак асрлик муборак тўйига "Рио – 2016"да қўлга киритган бронза медаллари билан муносиб совға тайёрлашга муваффақ бўлган спортчиларимиздан Рустам Тўлаганов ҳамда Элмурод Тасмуродов шайнига ҳам изҳор этишни истардик. Улар ҳам тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақасида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, халқимиз ишончини оқлашди.

ДАРВОҚЕ: "Рио – 2016" мусобақалари ҳаяжонга тўла, ўзгача рекорду натижаларга бой кечаётганига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Тунлар тонларга уланаётгани ҳам рост. Бедорликлар бежиз эмас. Икки юздан ортиқ давлатнинг 11 мингдан ортиқ вакили



орасида ҳеч ким енгилишни истамайди. Ҳар қандай спортчи майдонда голиблик учун курашади. Азалий қоида шу. Ва энг асосийси, ҳар бир мамлакат халқи ана шу миллат, давлат шайни-шавкатини дунёга танитишда оқ йўл тилаб кузатган спортчиларидан фақат галабалар кутади.

Шу кунгача зришилган галабалар, қутилмаган мағлубият ва омадсизликлар ўз йўлига. Кеча, бугун ва эртага яна бизнинг спортчиларимиз шарафига олис Бразилия заминидеа Ўзбекистон мадҳияси янграшини, байроғимиз сарбаланд бўлмоғини жуда-жуда истаимиз!

Норқобил ЖАЛИЛОВ

“ШЎРТАНГАЗКИМЁ”

МАЖМУАСИ ЖАМОАСИ

МАМЛАКАТ ОБОДЛИГИ, ИҚТИСОДИЁТИМИЗ
БАРҚАРОРЛИГИ, ТУРМУШИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ
ЙЎЛИДА МЕҲНАТ ҚИЛАЁТГАН БАРЧА ЮРТДОШЛАРИ-
МИЗНИ ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ – ВАТАНИМИЗ
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИ
БИЛАН САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИ!

ДОРИЛОМОН, САОДАТЛИ
КУНЛАРГА ЕТКАЗГАНИГА
МИНГ БОРА ШУКР.
БАРЧАНГИЗГА ТИНЧЛИК-ХОТИР-
ЖАМЛИК, СИҲАТ-САЛОМАТЛИК,
ҚАЛБИНГИЗНИ ИСТИҚЛОЛ
ШУКУҲИ ТАРК ЭТМАСИН!

ҚУТЛОВ



MUASSIS:
TADBIRKORLAR VA
ISHBILARMONLAR
HARAKATI –
O‘ZBEKISTON
LIBERAL-
DEMOKRATIK
PARTIYASI

ASR
IQTIMOVIY-SIYOSIY GAZETA
HAFTALIK NASHIR

Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир ҳайъати:

Содиқжон ТУРДИЕВ	Қўлоқиди САНАКУЛОВ
Дилшод ШОУМАРОВ	Тулкин ЭШНАЗАРОВ
Алишер СУЛТОНОВ	Аҳам ШОДИМОНОВ
Абдулмажид КАРИМОВ	Расул КУШЕРБАЕВ
Алишер ШАЙХОВ	Виктор ПАК
Икбол МИРЗО	Бегмат ОЧИЛОВ

Тахрират манзили:
Тошкент шаҳри,
Нуҳус кўчаси, 73А-уй.

электрон почта:
xxi.asr@mail.uz



Телефонлар:
қабулхона – 215-63-80
(тел./факс).

Котибият – 281-40-17
Реклама ва шартнома-
лар бўлими – 215-60-45,
255-68-50

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот агентлигида 2016 йил 8 апрелда
10-3648 А рақами билан қайта рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” наширёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:

Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди.
Ҳажми – 4 босма табоқ.

Буюртма рақами: Г – 866 Тираж: 8380
Баҳоси келишилган нархда. Топширилди – 22:00

Тахриратта келган қўлэмалар тахрир
қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларда манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахрират нукта
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Реклама материаллари учун тахрират
жавобгар эмас.

Газета тахрират компьютер марказида
терилди ҳамда дизайнер

Маъруфжон Раҳимов
томонидан сифаланди.

ISSN 2151-497X



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррирлар:
А. МУЗАФФАРОВ, С. ЗОИРОВ